

ИККИ МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон ва Корея Республикаларининг
 икки мактаби ўзаро ҳамкорлик
 алоқаларини йўлга қўйди

Мамлакатимизда кўплаб соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам кенг кўламли ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ёш авлодга узлуксиз таълим-тарбия бериш жараёнининг барча бўғинларини қамраб олган.

Давоми 2-бетда



Савоб ишни ҳар ким, ҳар
 куни қилиши керак

КАМ ТАЪМИНЛАНГАНЛАРГА
 моддий ёрдам
 2-бет

Сабоқ

4-бет

ДУО ҚИЛИШНИ
 БИЛАСИЗМИ?



3-бет

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИГА САЙЛОВ -
 ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА
 ЭРКИНЛАШТИРИШ ОМИЛИ




9-бет

ДЎМБИРАНИНГ
 ЯНГРОҚ САДОСИ

10-бет



«Дўрмон
 Ҳангомалари»
 Туркумидан



5-8-бетлар

O'ZBEKISTON	7	ПЕРВЫЙ
YOSHLAR		РОССИЯ
TO'RIKENT		ТВ-3
СПОРТ TV		СТС
HTB		

11-бет



ДОКТОР

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё sanoати ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури асосида корхона ва ташкилотларда қатор тадбирлар ўтказди. Натижада кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионер, ногиронларга корхона ва ташкилотлар томонидан 6,5 миллион сўм, касаба уюшма ҳисобидан эса 5,2 миллион сўм маблағ сарфланди. Корхоналарда имзоланган жамоа шартномалари орқали ана шундай кишиларга корхона ҳисобидан 152,5 миллион сўм, касаба уюшма маблағлари ҳисобидан эса 20 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Марказий кенгаш томонидан Республика хирургия илмий марказига, Миробод туманидаги 57-ақлан заиф болалар мактаб-интернатига, Республика



фалаж-ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам кўрсатиш «Умр» жамоатчилик марказига, «Геология фахрийлари» клубига 5 миллион сўмлик ёрдам берилди.

Шунингдек, кам таъминланган оилалар, ногирон, уруш ва меҳ-

КАМ ТАЪМИНЛАНГАНЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ

нат фахрийлари, Чернобил фалокати иштирокчиларидан 226 нафари санаторий ва профилакторийларда, корхона ва ташкилотлар тасарруфидаги соғломлаштириш масканларида 440 нафар ишлаётган ходимлар соғломлаштирилди. Меҳнаткаш-

лардан 93 нафари, шу жумладан 20 нафар тиббиёт ходимларига ҳам санаторийларда дам олиб, соғлиқларини тиклаш мақсадида бепул йўлланмалар тарқатилди. Режалар шу билан туғамайди. Касаба уюшма Марказий кенгаши ҳисобидан тармоқ тасарруфидаги соғломлаштириш масканларининг 10 нафар тиббиёт ходимларига республика санаторийларига бепул йўллан-

ма берилади ва уларнинг 20 нафар фарзандлари ёзги мавсумда болалар оромгоҳларида соғломлаштирилади. Ана шу режага мувофиқ куни кеча «Ўзбек-кэнгеро» ДАК Тиббий-санитарий қисмининг 3 нафар шифокорига Республика санаторийларига бепул йўлланмалар тантанали равишда топширилди. Жорий йилнинг охирига қадар яна 7 нафар тиббиёт ходимларига шундай йўлланмалар топширилади.

Тармоқдаги корхона ва ташкилотларда «Маҳалла» оқсоқоллари ҳамкорлигида жойларда «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак», «Куч бирликда — меҳр кўзда» мавзуларида қатор учрашувлар ва суҳбатлар ўтказилди ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб фотокўргазмалар ҳам ташкил этилди.

**Раҳимжон ОРИПОВ,
«Ишонч» муҳбири
С.ЎРМОНОВ
олган сурат**

МАРКАЗ ЭЛ ХИЗМАТИДА

Фарғона вилояти урология маркази водий аҳлининг саломатлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган марказда урологик ва нефрологик касалликларни даволашда ўзига хос тажриба тўплаган.

Марказимиз замонавий тиббий ускуналар билан тўлиқ таъминланиши касалликларни вақтида аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ва даволаш ишларини анчагина енгиллаштирди, — дейди марказ бош врачлари ўринбосари Усмонжон Зокиров. — 29 нафар олий тоифали шифокор ҳамда саксонга яқин ўрта тиббиёт ходими, беморлар хизматида.

Бугун Андижонда ака-ука Мамажоновларни билмайдиган, уларнинг ёшларига, айниқса, болаларга бераётган алоҳида эътиборидан ҳайратланмаган одамни камдан-кам учратасиз. Машҳур спортчилари-ю саховатли кишилари билан ном таратган андижонликлар спортни ўзларининг энг яқин дўстига айлантиришган. Шунинг учун ҳам улар вилоятда спортнинг оммавийлигини таъминлашга, айниқса, унинг муҳим бир йўналиши бўлмиш болалар спортини ривожлантиришга бор имкониятларини сафарбар этишмоқда.

Аҳоли истиқомат қилаётган жойларда ишга туширилатган янгидан-янги иншоотлар турли мусобақалар, беллашувлар майдонига айланаяпти. Эътиборли томони шундаки, уларни бунёд этишда давлат ташкилотлари эмас, балки олиҳиммат тадбиркорлар, бутун бир маҳалла ёки қишлоқ аҳли қатнашяпти. Яъни ўзига хос кўринишга эга бўлган бу замонавий спорт масканлари ўзбекона ҳашар йўли билан юзага келмоқда. Тадбиркор ака-ука Мамажоновлар ҳам топган-тутганини ана шундай хайрли ишларга йўналтириб, элнинг дуосини олишмоқда.

Избоскан туманида яшовчи бу сахий қалб эгалари бир пайтлар юнон-рум кураши билан шуғулланиб, юксак натижаларни қўлга киритишган эди. Улар жисмонан бақувват ва маънан баркамол бўлишда спортнинг бекиёс аҳамияти борлигини яхши билишадди. Шунинг учун ҳам бешовлон Избосканликларнинг спортдаги шуҳратини эллараро оширишга киришдилар. Ўзлари алоҳида меҳр қўйиб, катта обрў ва мартаба топган юнон-рум курашини туманда оммавийлаштириш ҳаракатини катта иштиёқ билан бошлаб юбордилар. Шу мақсад йўлида энг аввало, кураш зали қуришни биринчи галдаги вазифасига айлантиришди.

Яхши ният билан олиб борилган саёй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Туман марказида замонавий спорт саройи ишга туширилди. Пойтуғ шаҳрида жойлашган бу муҳташам иншоот ҳозир ёшларнинг севимли масканига айланган. Ўтган бир йил ичида Ака-ука Мамажоновлар болалар ва ўсмирлар спорт-клубининг амалга оширган бекиёс ишлари туфайли 200 нафардан зиёд иштирокчи юнон-рум кураши усулларини кунт билан эгаллади ва унга астойдил меҳр боғлади. Улар билан суҳбатлашиб қолсангиз спортнинг бу оммавий тури ўзларига қанчалик завқ бағишлашини мароқ билан сўзлаб беришадди. Ахир, одамнинг ўз сев-

ган машғулоти билан шуғулланишига, ундан чексиз ҳузур-ҳаловат топишига нима етсин. Етарли шарт-шароит ва айниқса, мақ-

АКА-УКА МАМАЖОНОВЛАР ҲИММАТИ



сад аниқ бўлганидан кейин болалар бўлар-бўлмас ишларга чалғишмайди. Дилида уйғонган мустаҳкам ишонч уларнинг эл-юртга муносиб фарзанд бўлишга, Ўзбекистоннинг спорт шарафини дунё миқёсида ҳимоя қилишга, жонажон Ватанимизнинг доврғини оширишга руҳлантириб туради.

Клуб раҳбариятининг олиб бораётган катта ташкилотчилик ва ҳомийлик ишлари қўллангани натижани бермоқда. Клуб ёшлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан ташқари Туркия ва Жанубий Кореяда юнон-рум кураши бўйича бўлиб ўтган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишиб, фахрли ўринларни эгаллашди. 2005 йилнинг 19-

ИККИ МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ

(Боши 1-бетда)

Ушбу ҳужжатларда таълим тизимини замон талаблари асосида ривожлантириш, бу борадаги халқаро тажрибани қўллаш, жумладан, юртимиз мактаблари билан хорижий мамлакатлар таълим даргоҳлари ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 28-30 март кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида ҳам мазкур масала диққат марказидаги мавзулардан бўлди. Ушбу ташриф доирасида пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги инглиз тилига ихтисослашган 178-мактаб билан Сеул шаҳридаги «Синхак» мактаби ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланди.

Шу муносабат билан 178-мактаб директори Лариса ХУШБАКОВА ЎЗА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим тизимини ривожлантириш борасида изчиллик билан амалга оширилатган кенг қўламли ишлар ўз самарасини бермоқда. Ёш авлод шаҳар-қишлоқларимизда қад ростлаётган замонавий мактаб, лицей ва коллежларда таълим-тарбия олиб, турли касб-хунарларни эгалламоқда.

Юртимиз мактаблари билан хорижий давлатларнинг таълим даргоҳлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга эътибор қаратилаётгани қувонарли. Президентимиз Ислам Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида имзоланган ўнлаб ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги поғонага

кўтаришга хизмат қилади. Имзоланган ҳужжатлар орасида бизнинг мактаб билан Сеул шаҳридаги «Синхак» мактаби ўртасида ҳамкорликка оид протокол ҳам бор.

Бу истиклолимиз шарофати ва давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан нафақат олий таълим даргоҳлари, балки оддий мактабларимиз ҳам халқаро миқёсда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш имконига эга бўлганига ёрқин мисолдир. Сеулда имзоланган ҳужжатда мактабларимизнинг ўзаро ўқув дастурлари ва режаларини алмашиши, ўқитувчилар малакасини ошириш ва ўқувчилар алмашувини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Ушбу ҳамкорлик доирасида яқинда Сеулга бориб, Жанубий Корея таълим тизими, «Синхак»даги ўқув жараёни билан яқиндан танишдим. Ҳамкорларимизга мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга оширилатган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури туфайли таълим соҳасида олиб борилаётган улкан ишлар ҳақида гапириб бердим.

«Синхак» мактабида ҳам хорижий тиллар, хусусан, инглиз тили чуқур ўргатилар экан. Бу дастурларимизни бир-бири билан солиштиришда, маъқул жойларини ўзаро ўрганишимизда яхши имкон беради.

Буларнинг барчаси юртимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этилаётган таълим тизимидаги ислохотларнинг яна бир халқаро эътирофидир.

(ЎЗА)

20 сентябр кунлари клуб маъмуриятининг ҳомийлигида «Ака-ука Мамажоновлар соврини» учун 1990-1991 йилларда туғилган болалар ўртасида юнон-рум кураши бўйича ташкил этилган халқаро мусобақа эса айниқса, кўпчилик муҳлисларга манзур бўлди. Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон Республикаларидан ташриф буюрган 170 нафардан зиёд меҳмонлар, спорт мураббийлари ва ёшлар клуб фаолияти билан танишиб, ҳимматли ака-укаларнинг иш-

ларига юқори баҳо бердилар.

— Кураш мардлик ва ҳалолликни ёқтиради, — дейди клуб раиси Мақсудали Мамажонов. — Ўзида ана шундай фазилатларни мужассам этганларгина беллашувларда ўзларини эркин ҳис этадилар, рақибдан чўчишмайди. Унинг ҳамласига кучли зарба беришга қодир бўлишадди. Бунинг ёшларимиз қалбига чуқур сингдириб, уларга кураш сирларини бекам кўст ўргатиб бораёلمиз. Бир-бирини қизиқарли машғулотларимиздан ёш курашчиларимиз чуқур қониқиб ҳосил қилишмоқда. Келгусида имкониятларимизни янада кенгайтириб, маҳаллий ёшларни спортнинг бу қизиқарли турига кўпроқ жалб этишни, уларнинг орасидан бўлғуси чемпионларни етиштириб беришни мўлжаллаёلمиз.

«Ака-ука Мамажоновлар» болалар ва ўсмирлар спорт клуби доимо ёш иштирокчилар билан гавжум. Ўзларининг талабчан мураббийлари ёрдамида улар бу ерда камол топиб эртанги кунимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишмоқдалар. Ҳаётда ва спортда доимо олдинги сафда бўлишга интилишмоқда. Кунт билан эгалланаётган юнон-рум курашининг техник усуллари уларнинг маҳорати янада ошиб боришига йўл очаяпти.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши масаласи демократиянинг ажралмас қисми. Чунки у ҳокимиятни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан дадил одимлаётган юртимизда маҳаллалар, фуқаролик йигинларининг энг демократик бошқарув усули ва тизими сифатидаги ўрни ҳамда таъсири кенгайиб, ҳаётимиздаги моҳияти тобора ўсиб бориши табиий.

Бунда Президентимиз Ислон Каримов Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида белгилаб берган устувор вазифалар, хусусан, ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳаллалар, қишлоқ фуқаролик йигинларининг ролини ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти юртдошларимизнинг кенг камровли ҳаётбахш ислохотлар жараёнларида онгли, манфаатли ва фаол иштирок этишини таъминлайдиган муҳим омиллардандир.

Мамлакатимизда жорий йилнинг май-июнь ойларида ўтказиладиган фуқаролар йигинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси Мавжуда РАЖАБОВА билан мазкур муҳим ижтимоий-сиёсий воқеанинг аҳамияти, сайловга тайёргарлик ишларининг бориши ҳақида суҳбатлашдик.

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислохотлар тадрижий, яъни босқичма-босқич амалга оширилмоқда, - дейди М.Ражабова. - Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов таъкидлаганидек, ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги стратегик вазифалар, аввало, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдан иборат.

Май ойида бошланадиган фуқаролар йигинлари раислари, оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий жараён катта аҳамиятга эга. Мазкур сайлов ижтимоий-сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислохотларни янгилаш мазмун-моҳияти билан бойитиши баробарида, жамиятни эркинлаштириш жараёнини янада чуқурлаштиришга, демократик қадриятларнинг жамият ҳаётида янада кенг қулоч ёйиши ва илдиришга, энг муҳими, фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланган ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётидаги роли ҳамда ваколатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур сайлов мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим тадбирлардан бири бўлиб, сайлов жараёни очик ва ошкора руҳда, демократик тамойилларга тўлиқ мос равишда ўтказилади.

Сайловни ўтказишга доир қандай қонун ҳужжатлари мавжуд?

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар ушбу сайловни ўтказишда ҳуқуқий пойдевор ҳисобланади.

Бош қомусимизда акс эттирилган фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларидан бири сайлаш ёки сайланиш ҳуқуқи бўлиб, унга мувофиқ, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари

орқали иштирок этиш ҳуқуқи эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Бундан ташқари, Конституциямизда сайлов тизимида алоҳида боб ажратилган.

Асосий Қонунимизнинг 105-моддасида шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда

ституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир». Кўриб турибдики, мазкур меъёр моҳиятида фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИГА САЙЛОВ - ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЭРКИНЛАШТИРИШ ОМИЛИ

ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш белгиланган. Конституциямиздаги мазкур умумий меъёрлар номлари юқорида келтирилган қонунларни ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида бир неча маротаба фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш бўйича ўтказилган сайлов жараёнларида тўпланган амалий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, 2004 йилнинг апрел ойида «Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Бу йилги сайлов жараёнида ана шу қонун биринчи маротаба амалиётда синовдан ўтади. Шунинг учун мазкур қонуннинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва ундаги меъёрларга амал қилиш лозим.

Сайловнинг асосий принциплари ва унда иштирок этиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида қандай кафолатланган?

Бу саволга жавоб беришдан олдин «ўзини ўзи бошқариш органи» тушунчасига аниқлик киритиш зарур. Қонунда унга қуйидагича таъриф берилган: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш - фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Кон-

ституциянинг асосий принциплари демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқидан иборат экани ўз ифодасини топган.

Шу боис фуқаролар йигинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида ҳам бошқа сайловлардаги каби демократик тарзда, яъни маҳалла аҳли ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, ўзини ўзи бошқариш органини шакллантириши лозим. Бундай эркин сайловлар орқали нафақат ўзини ўзи бошқариш органи шаклланади, шу билан бирга фуқаролар йигини, айниқса, сайлов орқали вазифасини бажаришга киришган раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларининг жамият олдидagi масъулияти ҳам ошади.

Юридик манбаларда сайловлар муқобиллик, сайлов кампаниясини ўтказишда эркинлик, сайловчилар хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши таъминланган шароитда ўтгандагина демократик ҳисобланиши қайд этилган.

«Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунда ана шу учта муҳим шарт тўлиқ кафолатланган. Хусусан, мазкур қонунда ошкоралик тамойили тўғрисида шундай дейилган: «Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йигини ўтказиладиган кун, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар хабардор этилади, фуқаролар йигини раиси

(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатилган номзодлардан, овоз бериш якунларидан воқиф қилинади».

Ошкоралик принципини рўёбга чиқаришдаги яна бир талаб шундан иборатки, оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик жараёни ҳамда сайлов ҳақида тўлиқ маълумотларни аҳолига ўз вақтида етказиши зарур.

Тенг сайлов ҳуқуқи - тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар жинси, ирқий ҳамда миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳамда ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, сайловда иштирок этишида намоён бўлади. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида тенг сайлов ҳуқуқи принципини рўёбга чиқаришдаги ўзига хос усулдан фойдаланиш мумкин. Яъни, бунда фуқаролар ўзларининг вакиллари орқали сайловда билвосита иштирок этадилар. Бу ҳуқуқ ҳам қонунчилигимизда кафолатланган.

Сайловни ташкил этиш жараёнлари ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз.

Бу сайловни ўтказиш кенг камровли ташкилий тадбирларни

яқунларини чиқариш ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

Бунга яна шуни қўшимча қилиш лозимки, ҳар бир фуқаролар йигинининг қарори билан раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишни бевосита амалга оширувчи ишчи гуруҳлар тузилади. Ишчи гуруҳнинг таркиби ўша ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва фуқаролар йигини вакилларида иборат бўлади. Ишчи гуруҳ таркибига раис (оқсоқол) ҳамда унинг маслаҳатчилари вазифаларига номзодларнинг кириши мумкин эмас. Ишчи гуруҳ фуқаролар йигини ўтказиладиган кун, вақт ва жойини белгилайди ҳамда йигин ўтказилишидан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади. Шунингдек, фуқаролар йигини иштирокчиларини рўйхатга олади, аҳоли фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлайди, сайловни ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради ва қонунда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Сайловда иштирок этадиган номзодларга қўйиладиган талаблар ҳақида ҳам қисқача тўхталмоқчиман. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар қонунда белгилаб қўйилган талабларга жавоб беришлари лозим. Номзод қоида тариқасида олий маълумотли, сайлов кун тегишли ҳудудда доимий яшаб турган, ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Номзодларга қўйиладиган бу талабларни ҳар бир ишчи гуруҳ янада чуқурроқ таҳлил қилиб, ҳар томонлама синчиқлаб ўрганиб чиқиши лозим. Маслаҳатчилар вазифасига номзодлар эса фуқаролар йигини кўриб чиқиши учун фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади. Бунда холислик, ошкоралик, муқобиллик тамойилларига қатъий амал қилиш лозим.

Мухтасар айтганда, сайловларга пухта тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ташкилий ишларни ўз вақтида, бир маромда амалга ошириш сайловнинг муваффақиятли ўтишига имкон яратди. Ўз навбатида, сайловчи ва сайланувчи юртдошларимизни сайловда фаол иштирок этиб, ўз хоҳиш-истакларини ифода этишга ўзаро ҳурмат, баҳамжиҳатлик, бағрикенглик билан ёндашишга ҳамда шу билан жамиятимиз ҳаётида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада эркинлаштириш жараёнига муносиб ҳисса қўшишга даъват этамиз. Бинобарин, мазкур сайлов жараёни жамиятимизни ислох этиш ва мамлакатимиз тарраққиётини юксалтириш жараёнида ўзига хос босқич бўлиб қолишига ишончим комил.

ЎЗА мухбири
Фулум МИРЗО
суҳбатлашди

Пойтахтдаги Талабалар шаҳарчасида Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан «Маъмун академиясининг инсоният таракқиётида тутган ўрни» мавзусида учрашув ўтказилди.

АЖДОДЛАР ҚОЛДИРГАН МЕРОС

Аждодларимиз қолдирган тарихий зиё масканининг минг йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан илмий-маърифий тадбирлар дастури ишлаб чиқилган эди. Унга мувофиқ тарғибот-ташвиқот гуруҳлари мамлакатимизнинг барча ўқув муассасаларида мулоқотлар ўтказилмоқда.

Маълумки, Маъмун академияси ўрта асрларда юртимиз ҳудудида фаолият кўрсатган етук

олимларни бирлаштирган нуфузли даргоҳ ҳисобланади. Ушбу маскан нафақат илм-фанни ривожлантириш, балки давлатлар ва халқлар ўртасидаги дўстлик риштаси бўлиб ҳам хизмат қилди.

Анжуманда айни вақтда ҳам академиянинг бой илмий мероси кўплаб тадқиқот ишларини олиб бориш учун манба бўлиб хизмат қилаётганлиги эътироф этилди.

«Туркистон-пресс»

ЭНГ ЯХШИ КОРХОНА

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўтказилган «Ташаббус - 2006» кўрик-танловида Беруний туманидаги «Фофур Бобононов» хусусий корхонаси «Энг яхши корхона» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Бир неча йилдирки, корхона жамоаси ишлаб чиқаришда туманда илғорлардан бири ҳисобланади. Бу ерда асосан эркаклар ва аёллар кийим-кечаклари тикилади. Шунингдек, ишчилар учун махсус кийим-бошлар, спорт кийимлари ҳам ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, туман аҳолисига ҳам турли маиший хизмат турлари кўрсатилади.

Суратда: тикувчи Раъно Шомуротова.

Б.АЛЛАШЕВ
(ЎЗА) олган сурат



Биз ҳар куни дастурхон устида пири бадавлат оталаримиз, оналаримизнинг дуоларига қулоқ тутамиз. Бирон тадбир, улугвор ишларни амалга оширишдан аввал дуога қўл очамиз.

«Дуо» сўзининг арабча луғавий маъноси чақирмоқ, қалбдан Яратганнинг ўзига мурожаат қилмоқдир. Дуо ҳам ибодат турларидан бири бўлиб, инсоннинг ўз Раббиси билан боғланишидир. Ҳақ субҳанаху таоло мусулмонларни дуо қилишга буюрган. Муқаддас китобимиз Куръони каримда «Парвардигорингиз — менга дуо қилинлар, жавобини берман», деган ваъдалар бора.

«Ота-онанинг дуосини олиб қолинглар», «Ота-онанинг дуоси ўтда куйдирмайди, сувга чўктирмайди», «Олтин олма, дуо ол», «Ёмғир билан ер кўкарар, дуо билан эл кўкарар» деб қулоғимизга куйиб келадилар улугворларимиз. Дуо ҳамма вақт — хурсандчилик пайтларида ҳам, хафачилик пайтларида ҳам керак. Дуо рухий улугворликнинг рамзидир. Бу улугворлик кишиларнинг эҳтиёжлари учун керакли баъзи дунёвий нарсалардан ўзини юқори тутадиган ва камолот чўққиларига чиқадиган қилиб кўяди. Дуо қилгучи Аллоҳдан фазл, ишларининг осон, мушкулнинг енгил бўлишини, соғу саломат, тўкин-сочинлик, тинчлик-омонлик, раҳм-шафқат сўрайди.

Дуо қилгучи инсон икки қўл қафтларини очиб, кўкрак баробарида ёки ундан баландроқ кўтариб туриши, ихлосу эътиқод билан, чуқур ишониб, имкони бўлса қибла томонга юзланиб мурожаат қилиши, дуодан кейин қўлини юзига суртиши мақсадга мувофиқдир.

Ибодатли қариялар, рўзадорлар, ота-онанинг фарзанд ҳақида қилган дуоси, мусофир ва бемор, мазлум ва мусибатли кишиларнинг дуоси қабул бўлади, иншооллох.

Куръонда келган дуо сўзлари, пайгамбарларнинг дуоси, улуг салаф-салоҳийнлар дуоси қабулдир. Дуони тўсиб кўядиган сабаблар ҳам бўлади. Булар дуо пайтида ихлосизлик, шубҳаланиш, гуноҳ устидаги дуолардир. Луқманинг ҳалол бўлмаслиги, инсоннинг ҳалол бўлмаслиги ҳам дуога тўсиқдир. Шунинг учун ҳам дуч келган одамга дуо қилинган, деб айтолмаймиз.

Дуо қилиб сўраш банданинг иши, бериш Худонинг иши. Айнан сўралган нарса берилиши мумкин ёки унинг ўрнига ундан кўра яхшироғи берилиши мумкин. Дуо эвазига бирор мусибат даф этилиши мумкин. Дунёда ҳеч нарса берилмаса, жаннатга захира қилиб қўйиши мумкин. Дуонинг ижобат бўлиши

ёки қабул қилиниши алоҳида-алоҳида нарсасидир.

Дуонинг фазилатли эканлигига ҳаётий далиллар бисёрдир. Мўтабар китобларда ёзилишича, Пайгамбаримиз Муҳаммад мустафо саллоллоху алайҳи вассаллам икки дарё орасига яшовчи умматлари — яъни бизларни назарда тутиб халқимизни узоқ дуо қилганлар. «Бу умматларим ислом динини чуқур тушуниб, уни оламга ёяди, илмни еттинчи осмондаги тоқчага яшириб қўйсангиз ҳам уни қўш қўллаб олади, деганлар. Дарҳақиқат, бизнинг заминимизда буюк муҳаддислар, олиму фузалолар етишиб чиқди. Имом-ал Бухорийнинг ҳадислар китоби Куръондан кейин иккинчи ўрин-

ДУО ҚИЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

да турувчи дунё халқлари севиб ўқийдиган асарга айланди.

Қадим замонда юртимизда турмуш ўртоғи урушда шаҳид бўлган муштипар бир она ёлғиз ўғли билан яшар экан. Она бошқа турмуш қилмай фарзандини ота васият қилганидек меҳр билан тарбиялабди. Мактаб ёшига етганде бола-сига яна тайинлабди... «Болажоним, мен сени деб дунёдан ёлғиз ўтаман. Сен мактабда ҳам шундай тарбияли бола бўлишинг керакки, ҳамма сендан ўрнатилсин, отанг руҳи шод бўлсин.» Шу зайд кунлар ўтаверибди. Бир куни бола мактабдан қайтаётганида ерда ётган халтачани топиб олибди. Уни уйга олиб келиб, онасига берибди. Она-бола халтачани очиб қарашса, минг тилло бойлик экан. «Олтиннинг эгаси топилиб қолар» деб бир чеккага олиб қўйибди. Уша кунлари шаҳар ҳокими боғ ҳовлисига кўчаётган экан. Хизматкорларнинг парижонхотирлиги билан ҳокимнинг сармоёси йўлда туриб қолган экан. Ҳоким сармоёни ким топиб келса, юз тилло мукофот бераман, деб жарчи солибди.

Бундан хабар топган она ўғлини топиб олган халтаси билан ҳоким хузури-



га йўллабди. Ҳоким қаршисидаги болага миннатдорчилик билдириб, дебди:

— Ўғлим, ваъда қилинган юз тилло ўрнига тўқсон тилло берсам майлими?

— Ўзингиз биласиз, отахон, — дебди йигитча.

— Саксон тилло берсам-чи?

— Хоҳлаганингиз, ихтиёр ўзингизда.

Ҳоким мукофотни ўн тиллогача туширибди. Бола бунга ҳам рози бўлибди. Ҳоким синамоқчи бўлиб мукофотни бир тиллогача туширибди.

— Болам, шу бир тиллони ҳам бермасам-да, балки дуо қилсам. Фақат бир шартим бор. Дуони овоз чиқармай, фақат ўзимга қиламан, майлими?

— Майли, отахон. Отажоним менга ҳаммиша «олтин олма, дуо ол» дейдилар.

Шунда ҳоким шундай дуо қилган экан: «Эй, худойим, бисотимда биргина қизим бор. Унинг тақдирини шу болага боғлагин. Бутун бойлигим — ҳовли-жойим қаршимдаги ақлли, доно болага насиб этсин».

Тақдир тақозоси билан бола ҳам, қиз ҳам балаюқат ёшига етибдилар. Ҳоким дуоси ижобатини қарангки, ақлли йигитнинг ишқи айни шу қизга турибди.

Сабоқ

Совчи қўйибдилар. Тўй-томоша билан йигит қизга уйланибди. Шаҳар ҳокими ҳамма бойликлари — ҳовли-жойларини куёви ва қизига васият қилиб қолдирибди.

1944 йилнинг қузида Австралия қитъаси яқинида ҳарбий самолёт ҳалокатга учраб баҳри уммонга қулаб тушади. Ҳаво кемасидаги тўққиз киши ва командирга ҳеч қандай шикаст етмайди. Кема командири ҳикоясига кўра, улар бир амаллаб иккита қутқарув баллонига жойлашиб оладилар. Уларда бир қултум сув ҳам, бир тишлам нон ҳам бўлмаган. Ҳамма даҳшатга тушган, фақат экипаж аъзоларидан бири ихлос билан Аллоҳга ёлвориб дуо қилишдан тўхтамасди. «Кўнглим сезиб турибди, Аллоҳ менинг дуойимни қабул қилди, бизга тезда ёрдам беради», дейди у. Уч кундан кейин океан ўртасида мўъжазгина оролча кўринади. Шу пайт ҳеч қутилмаган воқеа содир бўлиб, улар томонга қараб учта қайиқ сузиб кела бошлайди. Маълум бўлишича, халоскорлар Австралиядан овга чиққан туб аҳоли вакиллари экан. Бир кун аввал катта ўлжалар билан орқага қайтмоқчи бўлганларида сирли бир куч қайиқларини кимсасиз оролга буришга мажбур қилган экан.

Сир эмас, баъзилар дуо қилишни билмайди, қорни тўйгач, қўлини юзига суртиб ўрнидан туриб кетаверади. Қўл очиб, жуда бўлмаса ичида куйидаги сўзларни айтиб дуо қилса ҳам бўлади: «Аллоҳим, едирдинг, ичирдинг, берган неъматларингга шукур. Дастурхонимизни қут-баракати, тани-жонимизни соғ-саломат қилгин. Ишимизга барака, бахт-саодат бергин, юртимизни тинч-осойишта қилгин, уни турли бало-офатлардан омон сақлагин. Омин, Аллоху акбар».

Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Агар бир киши сизга яхшилик ва эзгулик қилса, унга мувофиқ сиз ҳам эзгулик қилинган, агар бирон нарса тополмасангиз шундай дуо қилинган, у одам ўзини сиздан бир улуг нарсани олиб кетгандек сезсин», деб айтганлар.

Дуога қўл очиб юртимизга тинчлик, омонлик, қут-баракати, равнақ, муштарийларга сиҳат-саломатлик, ишда ва ўқишда муваффақиятлар, қарияларимизга мустаҳкам иймон, ёшларимизга куч-ғайрат, аёлларимизга шарму ҳаё, беморларга шифо комиллик тилайлик.

Мирза Анвар КАРИМОВ

Ҳа, ажабланманг, шунақаси ҳам бўларкан. Хоразм вилоятининг Урганч туманида, аниқроғи, Амударё этакларига яқин хушманзара ва баҳаво ерда жойлашган «Жайхун» сиҳатгоҳига 2005 йилнинг май ойи охирида кулф осилди. Сабаби — бу ерда антисанитария ҳолатлари ҳукмрон бўлганлиги ҳамда тобора ушбу сиҳатгоҳга келувчилар сони камайиб бораётганилиги эди. Ҳўш, сиҳатгоҳ нега бундай ҳолга келиб қолди? Биноийдек фаолият кўрсатиб турган ушбу масканга нега тақаб-қулф осилди? Бўлиб ўтган воқеа ва ходисаларга назар солсак, юқоридаги саволларга жавоб топилади.

Бундан бир неча ўн йиллар муқаддам Урганч туманида 320 ўринли ўқувчи-ёшларнинг «Спутник» ёзги соғломлаштириш оромгоҳи қуриб битказилди. Маълум муддат ўтиб, 1990 йилда ушбу оромгоҳнинг бино ва ускуналари «Узколхоздраница» (ўша йилларда номи ана шундай аталарди) деган ташкилот балансида ўтказилди. Ҳозирда бу ташкилот «Саломатлик-Р» МЧЖ деб аталади.

Ўша йилнинг ўзидаёқ капитал таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Оромгоҳга мутасаддилар ўзаро келишилган ҳолда асли касби шифокор бўлган Шукуржон Хажиевани раҳбар этиб тайинлайдилар.

Гапнинг сирасини айтмоқ керак: кадр тўғри танланганди. Ш. Хажиева ушбу сўзга эҳтиёт билан таллаб мос тарзда фаолият кўрсатиши учун зарур барча тиббий асбоб-ускуналари жамлаш, дам олувчиларнинг кўнглили ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида бор куч ва имкониятларини ишга солди. Қарийб 10 гектарлик худудни эгаллаган сиҳатгоҳнинг теварак-атрофини ободонлаштириш мақсадида қўллаб мева-ли ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Натижада мас-

кан кундан-кунга чирой очди.

1994 йилнинг 29 июлидан бошлаб, бу обод гўша «Жайхун» сиҳатгоҳи деб атала бошланди. Энг муҳими, худудда пармалаш ишларининг олиб борилиши натижасида қарийб 1037 метр чуқурликдан 47

ҚУЛФ ОСИЛГАН СИҲАТГОҲ

ҳарорат иссиқликда маъданли сув топилиди. Унинг таркиби «Семашко» номидаги республика илмий-тадқиқот институтининг олим ва лаборантлари томонидан обдон ўрганилди. Ниҳоятда йод-бромга бой бўлган ушбу маъданли сувнинг таркибида 20 дан зиёд инсон организм учун зарур бўлган микроэлементлар мавжудлиги аниқланди. Бу ҳақда ижобий хулоса берилди.

Шу боис ҳам сиҳатгоҳга келувчиларнинг сафи кундан-кун ортиб бораверди. Атиги 50 ўринга мўлжалланган сиҳатгоҳда 110-120 нафарга қадар дам олувчилар келиб, ўзларининг саломатликларини тиклаб, ҳатто жамоа аъзоларига миннатдорчилик изҳор этиб кетардилар. Сиҳатгоҳда асаб хасталиклари

билан биргаликда оёқ, бөл, жигар, ҳаракат таянч аъзолари, ошқозон-ичак, аёлларда учрайдиган хос касалликларга қарши намунали муолажа ишлари олиб бориларди.

Шукуржон Хажиева 11 йил мобайнида ушбу даргоҳга раҳбарлик қилди.

2004 йилда «Жайхун» сиҳатгоҳига раҳбарлик қилиш шу даргоҳнинг ҳисобчиси Абдурауф Давлетов зиммасига юклатилди. Бироқ янги раҳбар А.Давлетовнинг асл касби шифокор эмаслиги учунми ёки бошқа сабабга кўра, замон билан илдам ҳаракат қилолмади. Тажриба етишмади. Тиббиётнинг илғор техника ютуқлари-

ўзгаришлар содир бўлиши турган гап. Ҳа, шифо маскани ана шундай антисанитария ҳолатига келиб қолганлиги боис 2005 йилнинг май ойи охирида унга кулф осилди.

«Жайхун»нинг ишчи-хизматчилари Тошкентдаги шаҳри азимдан ташриф буюрган, аниқроғи, «Саломатлик-Р» масъулияти чекланган жамият вакилига умид билан қараган эдилар. Бироқ, «Саломатлик-Р» МЧЖ вакили гапнинг дангалига кўчиб кўя қолди: сиҳатгоҳ тугатилади! Бу эса ишчи-хизматчиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилишига олиб келди.

Биргина мисол. Ҳамшира На-

дан фойдаланиш, уларни сиҳатгоҳга олиб келиш ҳақида чоралар кўрилмади. Аксарият физиотерапия асбоб-анжомлари эскириб, бутунлай яроқсиз ҳолга тушди. Энг аянчлиси, муолажа учун ажратилган биналарнинг томларидан чакка ўтиб, деворлари захлаб, таъмирталаб ҳолатга келди. Афтодаҳол, ғарибгина манзарани кўриб кишининг кайфияти бузилади: «Сиҳатгоҳ ҳам шунақа бўлади-ми?» Минг машаққатла қазилган қудуққа беэтибор қаралди. Ахир, ушбу қудуқ сувини тез-тез юқори қувват билан ишловчи электр насослар ёрдамида чиқариб ташлаб, тозалаб турмоқ даркор эди-да! Акс ҳолда қудуқдаги сув узоқ вақт туриб қолса, ҳар-хил чўкмалар ҳосил бўлиб, унинг таркибида

зира Одамбаеванинг меҳнат дафтарчаси охириги варағига шундай сўзлар битилган: «1 июль, 2005 йил, «Жайхун сиҳатгоҳи» шўъба корхонаси иш фаолиятини тугатганлиги муносабати билан барча штатлар қисқартирилди. Директор (имзо) А. Давлатов. Асос: «Саломатлик-Р» МЧЖ бошқарувининг 2005 йил 5 июлдаги 15-сонли қарори».

Н. Одамбоева ана шу тарзда ишдан бўшатилиб, меҳнат дафтарчаси қўлига тутқазилди. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-104-моддалари қўпол равишда бузилди. Ушбу Кодекснинг 102-моддаси 2-бандида меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусияти-

Бонг!!!

нинг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан бекор қилинганда (100-модда иккинчи қисмининг 1-банди) камида икки ой олдин огоҳлантирилиши таъкидланади. Бундан ташқари 104-моддада меҳнатга оид муносабатлар ходимнинг айбоби хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлмаган асослар бўйича иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган бўлса, иш берувчи ходимга неустойка тўлайди, дейилган.

Ушбу сиҳатгоҳга борган чоғимда қоровул Йўлдош Аҳмедов билан ҳамсуҳбат бўлдим. Мулоқот асносида у ҳали ҳануз кунда бўлмасида кунора, баъзида ҳафтада бир марта бўлсада, Қорақалпоғистон Республикасининг яқин худудларидан ёки Хоразмнинг турли туманларидан шифо изловчилар келиб, сиҳатгоҳнинг ишламай турганлигини кўриб хафсаласи пир бўлиб кетаркан.

Хуллас, шунақа гаплар. «Саломатлик-Р» МЧЖ томонидан тугатилган мазкур сиҳатгоҳ ҳозирда «Урганч пахта тозалаш заводи» очик акциядорлик жамияти ихтиёрига берилди. Завод пахтани қайта ишлапти. Ўз навбатида тола ҳам сотиляпти. Бироқ сиҳатгоҳни таъмирлаш учун... маблағи йўқ.

Бу ёқда эса шифо масканига солинган кулф тобора зангламоқда...

Шавкат ХУДАЙБЕРГАНОВ,
«Туркистон-пресс»

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҚАРШИ СИДА ЕТТИ КУН



17-23 апрел

ДУШАНБА, 17

О'ЗБЕКISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома".
8.45 ТВ анонс.
8.50 Олтин мерос.
9.00 "Олам ва одам" дастури: "Музлик даврини кечирганлар".
9.50 "Камалак" экран.
10.40 ТВ анонс.
10.45 Самарқанд ривоятлари: "Бибихоним".
10.55 "Сизнинг адвокатингиз".
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ анонс.
11.15 "Омон бўлинг!".
11.20 Олтин мерос.
11.30 "Одами эрсанг."
11.50 ЎзТВ хазиначидан. "Олтин девор". Спектакль. 1-қисм.
12.50 ТВ анонс.
12.55 "Олтин девор". Спектакль. 2-қисм.
13.50 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш).
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ўзбегим ўғлонлари".
15.30 "Кичикинтой". Бадий фильм.
16.20 "Олов - тилсиз ёв".
Болалар сайёраси:
16.40 "Эртақлар - яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.10 ТВ анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 "Равнак" студияси намойиш этади.
17.35 "Дил таронаси".
17.40 "Бурч ва масъулият".
18.00 "Умр дафтари". Ҳ. Абдуллаев. 1-қисм.
18.25 Оқшом наволари.
18.35 "Галатепалик авлиё". Фильм.
19.00 "Азёло ўйинчи". Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "Омон бўлинг!".
20.10 "Ишқ эртаги". Телесериал премьераси.
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 "Тақдир ўйини". Телесериал премьераси.
23.10 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш).
23.20 "Олам ва одам" дастури: "Патагония - жануб ери". 1-қисм.
00.10-00.15 Тунги наволар.

YOSHLAR

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 Давр.
16.10 SMS тест + анонслар.
16.15 "Ана холос". Мультифильм.
16.25 Полапон.
16.40 Ёшлар овози.
16.55 Чемпион сирлари (рус тилида)
17.15 Кино SMS.
17.20 "Ишбилармон кишилар". Бадий фильм.
18.45 Муסיкий лахзалар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 SMS тест + анонслар.
19.40 Ракурс.
19.55 Кино SMS.
20.00 Олий лига кундалиги.
20.20 Ўзбекистон Республикаси ёнгин хавфсизлиги хизмати.
Ходимлари кун. "Олов билан юзма-юз".
20.40 UzEX хабарлари.
20.50 Давр репортаж.
21.00 "Мўйқалам сеҳри". Собир Раметов.
21.30 SMS тест + анонслар.
21.35 Ўзлонлар.
21.40 Ёшлар куйлаганда.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Муסיкий лаҳза.
22.40 UzEX хабарлари (рус тилида)
22.50 "YOSHLAR" телерадиоканалида спорт дастури: Интерфутбол.

TOSHKENT

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 Болажонлар экран.
18.30 "Пойтахт" /рус/.
18.50, 20.20, 21.30 "ТВ анонс".
18.55 "Саломат бўлинг" (рус)
19.10 "Табриклаймиз-кутлаймиз".
19.40 "Бир жуфт аския".
19.45, 21.45 "Телекурьер маркет".
20.00 "Пойтахт".
20.25 "Живоланмаган Африка". Хужжатли телесериал.
20.50, 22.20 "Экспресс" телегазетаси.

21.05 "ТВ юрист".
21.10 "Камила". Телесериал.
21.35 "Оқшом наволари".
22.00 "Журналист тахлили".
22.35 "Мулоқот". Қисқа метражли бадий фильм.
23.05-23.10 "Хайрли тун, шахрим".

SPORT-TV

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Версия". Информационно-аналитическая программа.
8.30 "Шоввозлар". Мультифильм.
9.00 "Талкин". Информацион-таҳлилий кўрсатув.
9.30 "Талисман". Сериал.
10.10 Ўзбекистон чемпионати. От спорти.
Кураш.
11.10-11.40 Осиё кубоги. Оғир атлетика.
18.00 "Болалар спорти".
18.15 Мультифильм.
18.30 "Хабарлар" (Рус тилида)
18.50 "Жди меня".
20.00 "Вести".
20.30 "Спортимиз маликалари".
20.50 "Футбол шархи".
21.15 "Тет-а-тет".
21.30 "Хабарлар".
21.50 "Команда". Сериал.
22.35 Осиё кубоги. Оғир атлетика.
23.10 "Проф-РИНГ".
24.00 "Тунингиз осуда бўлсин!"

Markaz TV

12.00 Марказ NEWS (узб)
12.20 Узбек наволари
13.00 Марказ NEWS (рус)
13.20 Мировые хиты
14.10 ТОП-10 (повтор)
15.00 Теленяня
16.00 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.20 Made in India
18.30 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.20 Сериал
20.20 Узбек наволари
20.30 "Судьбы".
21.00 Узбек наволари
22.00 Комедии по понедельникам "Берегись автомобиля".
23.40 Миксер

30-Й КАНАЛ

16.55 - гача профилактика ишлари
16.55 - Открытие программы
17.00 - НТТ - «Болалар соати»
17.40 - «Муסיкий лахзалар»
18.00 - «Кассандра», сериал
18.45 - НТТ - «Маргилон - ТВ такдим этади «Уйгок кунгиллар»
19.00 - «Ошикона», муסיкий дастури
19.45 - «Теле-Хамкор»
20.00 - «Муסיкий табассум» музыкальная передача
21.00 - НТТ - «София, менга имком бер», сериал
21.40 - «Теле-хамкор»
21.50 - «Муסיкий табассум» музыкальная передача
22.25 - НТТ - «Кашкирлар макони», сериал
22.55 «Эстрада оханглари»

ПЕРВЫЙ

Уважаемые телезрители! Приносим вам свои извинения за перерыв в вещании до 10.45 в связи с профилактическими работами.
10.45 «Ералаш»
11.00, 14.00, 17.00, 22.40, 2.00, 4.00 Новости
11.10 «Черный ворон». Т/С
12.20 Х/Ф «Эта женщина в окне»
14.10 «Лолита. Без комплексов»
15.00 Т/С «Талисман»
16.00 «Федеральный судья»
17.10 «Большие девочки»
17.40 «Любовь как любовь». Т/С
18.50 Жди меня!
20.00 Время
20.30 «Девять месяцев». Т/С
21.30 «Бизнес на родах»
23.00 Теория невероятности
23.50 «Гении и злодеи»
0.20 Х/Ф «Новый мировой беспорядок»
2.05 Х/Ф «Выходные»
3.50 «К-219. Последний поход»

РОССИЯ

В связи с профилактическими работами канал начинает вещание в 10.45
10.50 «Комната смеха»
11.45 «Частная жизнь»
12.45, 23.15, 3.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13.00, 16.00, 19.00, 22.55 ВЕСТИ.
13.20, 15.40, 19.30 ВЕСТИ-МОСКВА.
13.40 Х/Ф «Последний уик-энд»

16:15 «Смехопанорама».
16:50 «Обреченная стать звездой». Т/С
17:45 Т/С «Волчица»
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
20:00 Т/С «Опера-2. Хроники убойного отдела».
20:55 Т/С «Мужчины не плачут-2»
21:55. «Паломничество в Вечный город»
23:30 «Честный детектив»
0:00 «Синемания».
0:30 Х/Ф «Дикарь»
2:45 «Дорожный патруль»

TNT

4.45, 18:30, 24:05 «Москва: инструкция по применению»
5.10, 11:40 МУЛЬТФИЛЬМ
7.25 Предприниматель.
7.40 Наши песни.
8.00 «ПЛОХИЕ ДЕВЧОНКИ». Т/С
9.00 «УБОЙНАЯ КОМАНДА». Х/Ф
12.30, 18:00 Такси.
13.00 «ДЕВСТВЕННИЦА». Т/С
14.00 Реалити-шоу [ОФИС].
15.00, 20:00, 23:30 «Дом-2. Новая любовь!»
16.00 «Школа ремонта»
17.00 «Возможности пластической хирургии»
19.00 «Запретная зона»
21.00 Х/Ф «НЕВЕСТА И ПРЕДРАССУДКИ»

СТС

7.00 «ШПИОНКА». Х/ф.
7.50 Мультифильм.
8.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
9.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Х/ф
10.00 Истории в деталях.
10.28 Настроение с Евгением Гришковцом.
10.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
11.00 Кино «ЧЕЛОВЕК-КАДИЛЛАК».
13.00 «БЕДНАЯ НАСТЯ». Х/ф.
14.00 «КАК СКАЗАЛ ДЖИМ». Х/ф.
14.30 Мультифильм.
17.00 Комедия «ЛИЗЗИ МАГУАЙЕР».
17.30 Комедия на СТС. «ТАКОЙ РАЗНЫЙ ФЕРГУС МАКФАЙЛ».
18.00 Комедия на СТС. «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
18.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Х/ф.
19.25 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
20.30 Истории в деталях.
20.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
21.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Х/ф.
22.00 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
22.30 Кино «ЛЕГИОНЕР».
23.00 Истории в деталях.
0.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
1.00 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
1.30 Детали.
2.30 «ТАКСИСТ». Х/ф.
3.15 Кино на СТС. «РАПТОР».
4.50 «ШПИОНКА». Х/ф. 2 серии.

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
8:05 «Кулинарный поединок»
9:00, 12:00, 15:00, 18:00, 21:00 «СЕГОДНЯ»
9:20 «Чистосердечное признание».

9:55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
10:55 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»
12:30 Т/С «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ-7»
14:30, 17:30 ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
15:25 Т/С «Морские дьяволы»
18:40 Т/С «ПСЕВДОНИМ «АЛБАНЕЦ»»
19:50 Т/С «Темный инстинкт»
21:40 Т/С «АЭРОПОРТ»
22:45 «СТИХИЯ»
23:20 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ»
0:15 «ВСЕ СРАЗУ!»
0:45 Х/Ф «Клетка для безумцев»
2:40 Т/С «МЕДИЦИНСКОЕ РАССЛЕДОВАНИЕ»
4:15 Т/С «Слепое правосудие»

РЕН-ТВ

профилактические работы до 17.30.
17.30 «ВОВОЧКА». Т/С
18.45 «Очевидец»
19.45 Камера кафе.
21.00 «Сделка?!»
22.10 «СОЛДАТЫ-7». Т/С
23.20 «СТУДЕНТЫ-2». Т/С
0.30 «24». Информационно-аналитический журнал

СЕШАНБА, 18

О'ЗБЕКISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.50 Олтин мерос.
8.50 "Олам ва одам" дастури: "Патагония - жануб ери". 1-қисм.
"Болалар сайёраси":
9.40 1. "Уйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Тоғлик". Мультифильм.

10.50 ТВ анонс.
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 "Олтин мерос".
8.50 "Камалак" экрани.
9.40 "Саломатлик сирлари".
10.00 "Ватанпарвар".
11.00 ТВ анонс.
11.05 "Оҳанрабо".
11.45 "Интеллектуал ринг".
12.30 ТВ анонс.
12.35 "Дунё". Бадий фильм. 1-қисм (Хиндистон)
13.45 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
14.00 "Дунё". Бадий фильм. 2-қисм.
15.25 ТВ анонс.
15.30 "50х50". Ток-шоу.
"Болалар сайёраси":
16.20 "Олтин тож". Телеўйин.
16.55 ТВ анонс.
17.00 "Оталар сўзи - ақлининг кўзи".
18.00 Оқшом навалари.
18.10 "Ғайратли йигитлар". Ҳажвий кўрсатув.
18.35 "Жиддий ўйин".
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30 "Тахлилнома" (рус тилида)
20.05 "Оддий ҳақиқатлар". Ток-шоу.
21.00 "Тахлилнома".
21.45 "Кўхна оҳанглар". Дилафруз Аҳмедова куйлайди.
22.10 "CINEMA.UZ".
22.30 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
22.40 "Жоним, сени ёхуд эгизаклар". Бадий фильм премьераси.
2-қисм.
23.35-23.40 Тунги навалар.

YOSHLAR

6.25 Дастурнинг очилиши.
6.30 "ЯНГИ ТОНГ". Ахборот дам олиш дастури.
8.00 SMS тест + анонслар.
8.05 "Уч мушкетёр". Мультфильм.
9.10 "Камолот" хабарлари.
9.20 Кино SMS.
9.25 Кинотақдим.
9.45 "Осмондаги болалар -1". Бадий фильм.
11.15 Яқшанба нонушаси.
11.45 "Осмондаги болалар-2". Бадий

фильм.
13.10 Енимдаги бахт.
13.15 2006 - Ҳомийлар ва шифокорлар йили. Саховат.
13.55 SMS тест + анонслар.
14.00 "ЯНГИ КУН". Ахборот дам олиш дастури.
15.00 Давр спорти.
15.15 "Қадимги кўшиқлар. Лапар".
16.30 "Journal" (инглиз тилида)
16.45 Ринг қироллари.
17.35 Чемпион сирлари.
17.55 Болалар экрани: Яхши ишлар бюроси.
18.15 SMS тест + анонслар.
18.20 "Ханда" ижодий гуруҳи тақдим этади: "Кўшуқулук".
18.40 Мусикий лаҳзалар.
18.55 Иқлим.
19.00 "Давр" ҳафта ичида.
19.30 SMS тест + анонслар.
19.35 Баҳор навалари.
19.55 "Қилни қирқ ёриб" Интеллектуал ўйин.
20.50 "Кўшиқнинг туғилиши". Тохир Шокиров.
21.20 SMS тест + анонслар.
21.25 Махсус.
21.35 "Ёшлар"да премьераси: "Оқ йўл". Бадий фильм.
23.15 Дастурнинг ёпилиши.

TOSHKENT

с 8.00 до 13.00 «Музыкально-развлекательная программа».
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 Болажонлар экрани.
18.35, 20.20, 22.00 "ТВ анонс".
18.40 "Кино олами".
18.55 "Мисли гавҳар".
19.10 "Табриқлаймиз- кутлаймиз".
19.40 "ТВ юрист".
19.45, 21.45 "Телекуррьер маркет".
20.00 "Журналист тахлили".
20.25, 22.05 "Экспресс" телегазетаси.
20.40 "Сиз кутган учрашув".
21.05 "Туризм ҳақида".
21.35 "Оқшом навалари".
22.20 М. Исмоил. "Юлдузсиз осмон". Видеофильм. 2-қисм.
23.15-23.20 "Хайрли тун, шахрим".

SPORT-TV

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бодров утрос".
8.50 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.10 "Непутевые заметки".
9.30 "Пока все дома".
10.20 "Кувнок стартлар".
11.00 Мультфильм.
11.10 Живой мир. "Жизнь под ногами".
12.10 "Рақибингиз гроссмейстер".
12.30 Осиё кубоги. Оғир атлетика.
13.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Насоф" - "Локомотив".
13.50-14.15 "Кунгилга йўл".
18.00 "Болалар спорти".
18.20 Мультфильм.
18.30 "Версия". Информационно-аналитическая программа.
19.00 "Спорт уик-энд". Дам олиш дастури.
19.40 "Тайм аут".
20.00 "Вести".
20.20 "Ровесник".
20.40 Осиё кубоги. Оғир атлетика.
21.10 "Спорт - менинг ҳаётим".
21.30 "Талқин". Информационно-таҳлилий кўрсатув.
22.00 "Девушка с жемчужной серёжкой". Худ. фильм.
23.25 Жаҳон спорти: "Еврофутбол".
1.00 "Тунингиз осуда бўлсин!"

Markaz TV

12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.20 Ўзбек навалари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.20 «Великолепная семерка»
14.00 Мировые хиты
14.30 «Юлдузли пайшанба»
15.00 Теленяня
16.20 Концерт
18.00 Спецрепортаж
18.20 «ТОП-10»
19.00 Индийское кино
20.20 Ўзбек навалари
22.00 Кино (sms-голосование)
24.00 Миксер

30-Й КАНАЛ

9.00 - Открытие программы
9.05 - «Теле-хамкор» (рус тилида)
9.20 - «Детский час»
9.50 - «Мультфильмы»
11.00 - «Теле-хамкор»
11.15 - Х/Ф «Гостя из будущего», 2 серия
13.00 - «Теле-экспромт»
13.20 - «Хит-парад - плюс»
14.20 - «Шоу-бизнес янгиликлари», информация дастур
14.50 - «Болалар соати»
15.30 - «Аёллар ораузи»
16.00 - «Хикоя»
16.20 - «Детский час»
16.45 - «Теле-хамкор»
17.00 - Х/Ф. «Должники»
18.30 «Мусикий лаҳзалар»
18.40 - НТТ - «Сугдиёна», мунис аёллар курсатуви
19.00 - «Теле-хамкор»
19.15 - «Ошикона»
20.00 - «30 кадр»
20.30 - «Мусикий табассум»
21.00 - «Яқшанба оқшомида»
21.40 - «Мусикий табассум»
22.10 - НТТ - Х/Ф «Анаконды»

ПЕРВЫЙ

5.00, 9:00, 11:00, 17:00 Новости
5.10 Х/Ф «Встретимся у фонтана»
6.40 Служу Отчизне!
7.10 Играй, гармонь любимая!
7.50 Дисней-клуб
8.20 «Умницы и умники»
9.10 «Непутевые заметки»
9.30 Пока все дома
10.20 «Веселые картинки»
11.10 Живой мир
12.10, 22:30 Бокс.
13.00 «Тело государственной важности»
14.00 «Империя»
15.00 Футбол.
19.00 «Кто хочет стать миллионером?»
20.00 «Время»
20.45 Х/Ф «С Дона выдачи нет»
23.00 Х/Ф «Арабат»
1.20 Х/Ф «Убийство, туман и призраки»
3.00 Х/Ф «Любовное письмо»

РОССИЯ

4:45 Х/Ф «Первый троллейбус»
6:10 Студия «Здоровье».
6:20 «Сельский час».
6:45 «Бинго миллион»
7:00, 10:00, 13:00, 19:00 ВЕСТИ.
7:10, 10:10 ВЕСТИ-МОСКВА.
7:20 «Русское лото»
7:30 Х/Ф «Молодые»
9:30 «Утренняя почта»
10:20 «Городок»
10:55 «Сам себе режиссер».
11:45 «Смехопанорама».
12:15 «Парламентский час»
13:20 «Фигиль №83».
14:10 «Великолепная восьмерка».
14:50 «В Городке».
15:00 Х/Ф «Северное сияние»
17:00 «Аншлаг и Компания»
20:00 «Специальный корреспондент».
20:25 Х/Ф «О любви в любую погоду»
22:30 «Национальный интерес»
23:20 Х/Ф «Любовник»
1:30 Х/Ф «Папа»

TNT

6.00 «Неизвестная планета»
6.25 МУЛЬТФИЛЬМ
7.20 «Антология юмора»
8.10 «Каламбур»
8.35 «Фигли-Мигли»
10.00 «Скачи во весь опор». Х/Ф
13.00 «Дикае дети»
14.00, 23:40 Реалити-шоу [ОФИС].
15.00, 20:00, 22:30 «Дом-2. Новая любовь!»
16.00 «САША+МАША». Х/Ф
16.30, 22:00 «Счастливы вместе»
17.00 «Школа ремонта»
19.00 «Необъяснимо, но факт»
21.00 Комеди Клуб.
0.40 «Скачи во весь опор». Х/Ф

СТС

7.00 «Берегись, большой брат!»
8.30 Мультфильмы.
10.00 Лучшие программы «Улицы Сезам».
10.30 Мультфильм.
11.00 Кино «История «Поросенка».
13.00 «Жизнь прекрасна». Ток-шоу.
15.00 «Снимите это немедленно».
16.00 «Питер FM».
16.30 Фильмы производства ВВС.
17.00 Истории в деталях.
17.30 «Не родись красивой».
22.00 Кино на СТС. «ТРАССА 60. ДОРОЖНЫЕ ИСТОРИИ».
0.35 «6 кадров».
1.05 Кино на СТС. «ФРИДА».
3.35 Кино «Аргентинский дог».
5.10 «Сокровища Лепреконов».

НТВ

4:40 Мультфильм
5:20 Х/Ф «МОЦАРТ И ЕГО ДРУЗЬЯ»
6:30 «СКАЗКИ БАЖЕНОВА»
7:00, 9:00, 12:00, 15:00, 18:00 «СЕГОДНЯ»
7:20 Т/С «ДЖОУИ»
7:45 «ИХ 'НРАВЫ»
8:25 «ЕДИМ ДОМА!»
9:20 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
9:50 «ТОР GEAR»
10:30 «ЦЕНА УДАЧИ»
11:20 «Растительная жизнь»
12:20 «СТИХИЯ»
13:00 Х/Ф «Девушка с гитарой»
15:20 «Один день. Новая версия»
15:55 «СВОЯ ИГРА»
16:55 Т/С «МАРШ ТУРЕЦКОГО»
18:50 «Чистосердечное признание»
19:55 «Бандитский Петербург-7»
21:00 «ВОСКРЕСНЫЙ ВЕЧЕР»
22:30 Т/С «ЗОНА»
0:20 «Журнал лиги чемпионов»
1:10 Х/Ф «РОБ РОЙ»
3:25 Х/Ф «ЭННИ ХОЛЛ»

REN-TV

8.00, 5:10 «Дикая планета»
9.00 МУЛЬТФИЛЬМ
11.25 Без тормозов.
12.00 «Неделя»
13.20 Военная тайна.
14.00 Х/Ф «ТАКСИ-3»
16.00 «Формула-1»
19.30 «Невероятные истории»
21.00 Х/Ф «ОТКРОЙТЕ, ПОЛИЦИЯ!-2: ПРОДАЖНЫЕ ПРОТИВ ПРОДАЖНЫХ»
23.30 «Неизвестные архивы»
0.35 Х/Ф «НЕБОСКРЕБ»
2.45 Х/Ф «О, Если бы я был богат!»

Кунлардан бир куни...

димларини безор қилиб юрадиган бир шоирни кўчада учратиб, дангал сўрайди:

— Менга қара, ука, шу шеърларингга бир ойда қанча қалам ҳақи оласан?

— Кўп эмас, юз сўм атрофида қалам ҳақи ишлайман, Фафур ака.

— Агар мутлақо бошқа шеър ёзмасликка сўз берсанг, ўзим сенга ойига икки юз сўмдан бериб тураман. Келишдикми?..

Шоирни тушмагур ҳайратдан бир замбил лой бўлиб қолади.

лимси-раб, оҳиста гап қотади:
— Хайрият, чойнакнинг қопқоғини чайиб ичадиган кунларга ҳам етиб келдик!

«ПОКРИШКА»СИ ҚАЛИН ЭКАН

Абдулла Қаҳҳордан мақтов эшитиш адабиётда ҳам, ҳаётда ҳам жуда қийин бўлган, устоз бу борада анча талабчан, «хасис» эди. Бир куни адиб хотини билан меҳмонга борди. Ўртага қўйилган мантидан ёзувчи бир-икки оладию, сўнг егиси келмай, ноилож қўлини артиб, чой ичиб ўтираверади.

Қайтишда Кибриё хоним эридан сўрайди:

— Мантидан негадир емадингиз, нима, ёқмадимми?

— Ҳа, «покришка»си қалин экан, томоғимдан ўтмади. Барибир ўзингиз тузук экансиз.

КЎНГИЛГА ТЕГМАЙДИГАН НАРСАЛАР

Дўрмонда ошхўрлик бўлаётган эди. Кимдир ошни мақтаб қолди:

— Ош ҳеч кўнгилга тегмайди-да!

— Ўлдирса ҳам ош ўлдирсин! - дейди яна бошқа ошхўр.

Жимгина суҳбатга қулоқ солиб турган Абдулла Қаҳҳор масалага янада аниқлик киритади.

— Кўнгилга тегмайдиган учта нарса бор - ош, нон ва хотин.

ЛУНЖИГА БОСА ҚОЛСИН

Абдулла Қаҳҳорни бир куни телекўрсатувга таклиф қилишди. Кўрсатув бошланишидан олдин ёш муҳаррир ёзувчидан сўради:

— Домла, фикрларингизни қоғозга тушириб келдингизми?

— Йўқ, мэн қоғозсиз ҳам гапиравераман.

— Уэр, бизда тартиб шундай, фикрларингизни «юқоридагилар»га тасдиқлатиб олишимиз керак.

— Ундай бўлса, айтинг, ўша «юқоридагилар»ингиз муҳрини лунжимга босиб қўя қолишсин.

СИЗНИ КЕЛАДИ ДЕБ...

Абдулла Қаҳҳорнинг уйига келган бир ёзувчи иши битгач, мезбон билан ташқарига айланиб чиқади. Ҳовлида фарқ пишиб ётган шафтолини кўриб, ҳаваси келади. Илгари бундай нави ростдан ҳам кўрмаган шекилли, қизиқсиниб сўрайди:

— Абдулла ака, бу қандай шафтоли бўлди? Сипсиллик, туки ҳам йўқ экан.

Ҳаётни яхши билмайдиган ёзувчининг бу саволига Абдулла ака нордонгина жавоб қилади:

— Сизни келади деб, атай жунини олиб қўйганмиз-да!

Шодмон ОТАБЕК

ШОИРНИ МОТ ҚИЛИШДИ

Фафур Фулом сайру саёҳат қилиб, гўзал Шохимардонга бориб қолади. Чойхонада қариялар билан гурунглашиб ўтирганда ундан сўрашади:

— Хўш, меҳмон, сўраганинг айби йўқ, ўзлари қаердан бўладилар?

— Тошкентдан.

— Нима касб қиладилар?

— Мен... шоирман.

Мезбонлар гарчи машҳур шоирни яхши таниб туришсада, унинг ҳазилкашлигини билишгани учун бир тегажқлик қилгилари келади.

— Кечирасиз, биз ўқимаган, оми одамларга мундоқ оддийроқ қилиб тушунтириб берсангиз - шоир дегани нима иш қилади ўзи?

Ҳали-ҳамон нимкосани пайқамаётган шоир шляпасини ёнига қўйиб, астойдил гапира бошлайди:

— Хўш, буни сизларга қандай тушунтирсам экан? Масалан, мана бу шарқироқ сойнинг нариги томонидан бир йигит тулпор от миниб келди дейлик, бу томондан эса бир парирухсор гўзал қиз кўза кўтариб сувга чиқади. Биз шоирлар шунақа воқеаларни шеърга солиб, икки ёшни ўзаро қовуштириб қўямиз.

— Э-ҳа, - кишлоқнинг сода одамлари меҳмонга ажабланиб қарашади, - шуни сизларда шоир дейдиларми? Бизда эса буни «қўшмачи» дейишади.

Водийнинг кулгисевар, ҳазилкаш одамлари орасида ўтирганини эсласан шоир қаҳқаҳ уриб кулиб юборади.

— Э-ҳа, - кишлоқнинг сода одамлари меҳмонга ажабланиб қарашади, - шуни сизларда шоир дейдиларми? Бизда эса буни «қўшмачи» дейишади.

Водийнинг кулгисевар, ҳазилкаш одамлари орасида ўтирганини эсласан шоир қаҳқаҳ уриб кулиб юборади.

ҚЎЛБОЛА ВИНО

Фафур Фулом Бешёғочдаги уйига иш юзасидан келган бир ёш танқидчини ўткирроқ ичимлик олиб келиш учун дўконга юборади. Танқидчи ўйлай-ўйлай битта коньяк ва «четушка» деб аталмиш кичкина шисачада ароқ олади. Ароқни кўрган шоир шундай гап қотади:

— Ўзинг ҳам ичаркансан-да? Танқидчи ичмас эди, тортиниб, индамай ўтираверади. Бир пиёлага коньяк, иккинчисига ароқ қуйган шоир қайта сўрайди:

— Нега индамайсан? Нима ичасан? Виноми?

— Ҳмм, - дейди боёқиш танқидчи ноилож.

— Э, шуни боятдан айтмайсанми? - деди шоир андак ажабсиниб ва пиёладаги ароқнинг устига култ-култ қилиб коньяк қуяди. — Ол, ана, энди вино бўлди, ичавер!

ЁЗМАСА БЎЛДИ

Фафур Фулом бемаза шеърлари билан ҳаммани, айниқса таҳририят хо-

ЯРАШ-ЯРАШ

Фафур Фулом Абдулла Қаҳҳор билан Дўрмонда аразлашиб қолиб, гаплашмас экан. Бу орада Абдулла ака дала ҳовлисида зиёфат уюштирадиган бўлади. Фафур ака Саид Аҳмадан секин сўрайди:

— Устозинг мениям қақирармикин?

— Билмадим, ҳар ҳолда қақирмаса керак. Сиздан қаттиқ хафа, - дейди Саид Аҳмад.

— Бўлмаса чал патнисни! - дейди Фафур ака кутилмаганда.

Саид Аҳмад индамай патнисни олиб, чилдирмадек чалаверади. Фафур Фулом эса Абдулла аканинг остонасига бориб, «така-тум, така-тум»га ўйнайверади. Девор тирқишидан воқеани кузатиб турган Абдулла Қаҳҳор ахийри шаштидан тушиб, шундай дейди:

— Бўлди, бўлди, ярашдинг энди, ярашдинг!

ОШГА ОЛОВ ЁҚВОР

Фафур Фулом табиатан қувноқ, ҳазилкаш, топқир одам эди, гап-гаштакни, улфатчиликни яхши кўрарди. Кунлардан бир куни чойхонадаги ошхўрликда кайфи ошиброқ қолган Фафур ака соқийга «Дадилроқ қўймайсанми?» дея танбеҳ беради. Шоирга жабр бўлишидан хавотирланиб ўтирган боёқиш соқий ийманибгина эътироз билдиради:

— Фафур ака, энди... ошдан кейин яхши кетмайди-да.

— Шундайми? Ундай бўлса тур ўрнингдан, дарров янги ошга олов ёқвор!

ҚОПҚОҚНИ...

ЧАЙИБ ИЧИШАДИ

Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг ҳазил-мутойибалари, нозик қочиримлари, ажойиб лутфлари ўзига хослиги, бетакрорлиги билан замондошларининг хотирасида муҳрланиб қолган. Адибнинг гоҳо шунчаки айтган оддий гапи ҳам нишонга бехато төгар, ҳамсуҳбатига завқ-шавқ уйғотар эди.

Кунлардан бир куни устоз ўз уйида овқатланиб ўтирганида рафиқаси Кибриё хоним унга чой узатмоқчи бўлади. Шу маҳал кутилмаганда чойнакнинг қопқоғи шарақлаб пиёлага тушиб кетади. Мундоқ қараганда фавкулудда, айтулик ҳеч нарса бўлгани йўқ, тўқимтабиатроқ одам хотинига «Қопқоқни чойнакка маҳкамроқ боғлаб қўйсанг ўлармидинг, фаросатсиз!» дея ўшқирши мумкин эди. Аммо устоз адиб ундай демайди. Айбини билиб, хижолат бўлиб турган хотинига қу-

Спорт оламида




МХЛ ТАРИХИДА ТЎРТИНЧИ

Яхши кайфият кўп нарсани белгилайди. Александр Овечкин учун «Атланта Трэшсерз» — «Вашингтон Кэпиталз» клублари ўртасидаги матч 51-, эҳтимолки 52-ёки 53-гол муаллифи бўлиш учун яхши имкониятдир. Гап шундаки, Саша Миллий хоккей лигаси тарихида тўртинчи бўлиб бир мавсумда 50 та гол киритган ҳужумчи сифатида қайд этиладиган бўлди.

Бунга яна шуларни қўшимча қилиш мумкин, Овечкин чемпионат якунланишига икки тур қолганда киритган голларидан ташқари натижа билан туаган 52 та шайба ошириб берганлиги билан ҳам мутахассислар эътиборига тушгандир.

Лекин мерган ҳужумчилар ҳақида гап кетганда Илья Ковальчукни ёддан чиқариб бўлмайди. «Атланта» таркибида ўйнаётган моҳир ҳужумчи ҳозирнинг ўзидаёқ дарвозаларга 52 та шайба киритиб, мерганлигини амалда исботлаётир.




Баскетбол

ЦСКАга ГАП ЙЎҚ

Рақибни эътироф этиш ҳам марднинг иши. Пермнинг «Урал-Грейт» клуби бош мураббийи ЦСКА билан бўладиган учрашув олдида интервью берди:

— Ушбу мавсумда ЦСКА Евролиганинг «Тўртлар финали»га муддатидан илгари чиқди ва боз устига мамлакат мунтазам чемпионатида голибликни кўлга киритди. Менга ЦСКА ўйини жуда ёқади. Клуб жамоавий ўйин намойиш этади, шу боис у ёки бу баскетболчини «ёпиш» жуда қийин.

Бош мураббий шуларга қарамай ўзаро учрашувда муваффақият қозониш учун астойдил тайёргарлик кўрилаётганини айтиб ўтди.



Футбол

ЗОРА ТАЖРИБА ҚЎЛ КЕЛСА

Африка ва Осиё китъаси жамоалари мутахассисни четдан жалб қилиш ҳадисини олишди. Жазоир терма жамоаси ҳам шу йўлни танлади. Маҳаллий радио хабарида айтилишича, немис мутахассиси Петер Шниттгер терма жамоа бош мураббийи этиб тайинланган.

Шниттгер Африка терма жамоалари билан ишлашда катта тажриба орттирган: 1968 йилдан эътиборан у китъанинг ўндан зиёд, хусусан, Камерун, Кот-д'Ивуар, Эфиопия ва Сенегал терма жамоаларини бошқарган.

ҲАСАН ШОШ

«ГАЛАТАСАРОЙ»НИ ТАРК ЭТАДИ

Буни шундан ҳам билса бўладики, туркиялик футболчи учун ҳозирданок Франциянинг «Марсел», Италиянинг «Рома» ва Москванинг «Динамо» клублари харидор бўлиб туришибди.

— Лекин шу пайтгача ҳеч ким «Галатасарой» раҳбарияти билан боғланганича йўқ, - деди футболчининг менеджери Сойкек. — Ким Ҳасанни ўзида кўрмоқчи бўлса биз билан гурунглашишдан нарига ўтмади. Чамаси, ҳаммасига 22 апрелда, яъни Галатасарой клуби «Фенербахче» билан рўбарў келгандан сўнг аниқлик киритилса керак.

ДРОГБАНИНГ ОШКОРА ЙИҚИЛИШИ

Футболда айёрлик учун соврин бўлганида Осиё, хусусан, араб жамоалари улоқни илиб кетишарди. Лекин кейинги пайтда «рақобат»чилар ҳам кўпайиб бормоқда. Хусусан, Африкадан Европага ташриф этган легионерлар бу вазифани керагидан ортиқ даражада бажара бошлашди. Шу муносабат билан «Болтон» ярим ҳимоячиси Аугустин Окочанинг баёноти эътиборни тортади.

— Бизнинг «Челси» билан бўладиган учрашувда кўрсатадиган натижамиз кўп жиҳатдан ҳакамларнинг ҳушёрлигига боғлиқ, - деди у ўз интервьюсида. — Агар Дрогбанинг устамонлик билан йиқилишига ҳакамлар маҳлиё бўлиб қолишса, бизнинг шўримиз қуригани. Мухлислар футболдан завқлангани стадионга келишади, масхарабозликни кўргани эмас.

Гимнастика

БЎРТИБ ЧИҚҚАН ТЎСИНЛАР

Подмосковьеининг Звенигород шаҳрида Россия шахсий-жамоавий биринчилигида иштирок этаётган спортчи қизлар кутилмаганда «Звезда» спорт залида муаммога дуч келдилар: бўртиб чиққан тўсинлар тўлақонли машғулот ўтказиш ва чиқишлар қилишга ҳалал бериши мумкин. Улардан бири Алина Кабаева бўлди. Машғулот пайтида у улоқтирган арқон тўсинга илиниб қолди. Уни тушириш учун Кабаева ёш гимнастикачиларнинг гардишини олиб туришига тўғри келди.

— Зал, албатта, ажойиб: ёруғ, кенг. Аммо мана бу тўсинлар! Жуда кўччилик ўзларининг гардишларини илтириб қўйиб, роса хуноб бўлдилар, - дейди совринли ўринларга даъвогарлардан бири Марина Шпехт.

Буни Олимпиада чемпиони Ирина Чашинанинг мураббийи Вера Штельбаумс ҳам тасдиқлаб, бу зал кўпроқ баскетбол ва волейбол учун мос келишини эътироф этиб ўтди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ЗАҲМАТ ТУФАЙЛИДИР ОДАМЛИГИМИЗ

Хохласанг ёнбошла лўлаболишга,
Уйкунг келса, майли, пича мизгиб ол.
Аммо билки, бугун бормасанг ишга,
Эрта ҳам келиши мумкин иш малол.

Заҳмат туфайлидир одамлигимиз,
Яратганинг ўзи бунгадир гувоҳ.
Меҳнатдан қочгани учун то хануз
Бўлолмайдди маймун одамга ҳамроҳ.

ИГВО ХАЛТАСИ

Игво халтасининг кўлдир тешиги,
На тикиб, на ямаб улгуриб бўлмас.
Бир уйки, на дарча, на бор эшиги,
Хатто панжара ҳам кўндириб бўлмас.

Оғзи бўш одамдек ҳамиша очик,
Шамол тегирмонни тили ҳам, э воҳ.
Ё илон кимгадир захрини сочиб,
Топган шу халтадан бошпана, паноҳ.

Ё қайнар хумча у эгасига мос,
Қанча тўқилмасин қолмас ҳеч бўшаб.
Игво халтасидан этса ким халос,
Арзир қадамга чиқсак гул тўшаб.

Кошки уддаласа бирорта олин,
Бошга кўтармоққа ҳозир халойик,
Ким ўша халоскор,
Бўлса ҳамки ким
Нобель мукофотин олишга лойик...

Игво халтасининг кўлдир тешиги,
На тикиб, на ямаб улгуриб бўлмас.
Бир уйки, на дарча, на бор эшиги,
Хатто панжара ҳам кўндириб бўлмас.

БАХТ ЙЎЛИ

Жунун саҳросидан ўтар бахт йўли,
Четлаб ўтолмағай хатто зоҳид ҳам.

Назм бўстониди

Тарки дунё қилиш ўлмасдан ўлиб
Дўзах азобидан қўрқмаслик, бўтам.

Кўл етса етгудек нарида оқар,
Сув эмас, май тўла дарё айқириб.
Қадаҳ тутган қизлар ишвали боқар,
Масту аластлар ҳам чорлар ҳайқириб.

Чидай оласанми шуларни кўриб,
Нафсингни тийишга етарми бардош?
Демак, сен бахтлисан,
Саҳрода юриб,
Орзу қилганинга бўласан йўлдош.

ТЎРТЛИКЛАР

Баъзан бир нуқтага термилиб узок,
Кўймоқчи бўламиз дунёга тузок.
Билмаймизки, инсон пилла қурт каби,
Ўраса ўрайди ўзини мутлоқ.

Ёнглининг остида юрсанг-да билгил,
Оғирнинг устида барибир ёнгли.
Қачон? Қайси? Қандай? — Нима
қилмагин

Бахар чин юракдан, астойдил қилгил.

Арига таланар узумнинг асли,
Шу боис ёт эрур унга куз фасли.
Чучмал ё бемаза бўлсайди агар
Кузда ҳам, қишда ҳам завол топмасди.

Марднинг мардлигидан бўлиб
бахраманд,
Билдик номардлардан еганимиз панд.
Устувор эрса-да сўзда тангилик,
Қанд бири, туз бири — ранги оқ гарчанд.

Зоҳид, биз дунёни қайта кашф қилдик,

У якто, у танҳо, ягона — билдик.
Нонкўрлик қилсагу тош отсак унга,
Тарки дунё қилсак, не учун келдик?

Халол одам кўриб, қийналиб ўлар,
Ва шу заҳотиёқ жаннатда бўлар,
Ҳаромхўр беларво, унинг наздида
Гўшт бўлса ҳар жойда гўштхўр топилар.

Вақтни ҳам ортига қайтариш мумкин,
Бунинг бор бир талай аммоси лекин.
Ҳамма нарса таҳлил қилинавериб,
Ҳеч нарсанинг қадри қолмасди кейин.

Тирқишдан қарама — гуноҳи азим,
Унча-бунча одам қилолмас ҳазим.
Ишлар кўп дунёда шаръий, ношаръий,
Кифоя бир марта ташланса разим.

Бахтингни ҳар кимга қилма дастурхон,
Дўст бор ерда бордир душман, ёнма-ён.

Ҳамгин кунларингда ҳамдард бўлмаган
Шодон кунларингда бўларми шодон?!

Ҳар кимки қилмас эҳтиётини,
Барбод этар ўзи ўз ҳаётини.
Сотиб юбор хатто текин бўлса ҳам
Ақл қочмай туриб жаҳл отини.

Ақли ноқисларни кечириб осон,
Аммо оқилларни қўймастар омон.
Эмишки, ақли йўқ билмасдан қилмиш,
Ҳаққи йўқ тойишга оқил ҳеч қачон.

Кўлдан берганга қуш тўймаса тўймас,
Аммо биз одаммиз, қуш ёки қўймас.
Одам еб ичса ҳам қуш ё кўй каби
Фақат еб-ичиш деб дунёни суймас.

Зайниддин РИХСИЕВ



ҲАМИША ГАВЖУМ МАСКАН

Китоб — билим чироғи. Илм-маърифат ўрганадан деган ҳар бир инсон борки, китоб ўқишга интилади.

Қамаши туман марказий кутубхонаси ана шундай илмга чанқоқ ўқувчи-ёшларнинг энг севимли масканига айланган. Бу — албатта кутубхона жамоасининг хизмати натижасидир.

Туман кутубхонаси бугунги кунда 125 минг нусхадаги китоб фондига эга. Ушбу кутубхонанинг 49 та филиаллари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Шу ернинг ўзида болалар учун алоҳида кутубхона ва ўқув зали ҳам ташкил этилган. Шунингдек, бу ерда янги адабиётлар билан танишув кечалари, ижодкорлар билан учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Шубҳасиз, бу тадбирлар ёшларнинг китобга бўлган қизиқишларини янада кучайтиради.

Суратда: марказий кутубхонанинг китоб бериш бўлими мутахассиси Санобар Ҳайдарова ёш китобхонлар билан.

Ш.ШАРОПОВ
(ЎЗА) олган сурат

Борлик яшилликка бурканиб, кўклам суруридан диллар яйрайди. Баҳор нафаси ўфуриб сарин шабадалар эсади. Табиат уйғониб, кўёшнинг заррин нуллари майсаларга ҳаёт ато этади. Инсон қалбиди ҳам янгиликни, янги кун экинларидан баҳорий туйғулар жўш уради.

Лангар тоғи этақларидаги Ҳайитқул қишлоғи қирлари кўклам либосига бурканди. Авлод-ажодлари Чироқчи кенгликларида умргузаронлик қилган Шомурод баҳши Тоғай ўғлининг булбулддек жўр овози қушлар хонишига қўшилиб кетган.

Сурхондарёлик истёждодли хонанда Ҳосила Раҳимова ижросидаги «Нарзангул» кўшигини кўп эшитгансиз. Иқтидорли ашулачи халқ лапарини шундоғам берилиб куйлайдики, беихтиёр сел бўлиб тинглайсиз.

Бу терма Ўзбекистон халқ бахшиси Шомурод Тоғаев усулида ёзиб олинган. Отанинг ёшлиги Сибир ўрмонларида ўтган. Падали бузуқвори оиласи билан совуқ ўлкаларга «қулоқ» қилиниб, қанчадан-қанча қийинчиликларни бошидан кечирган.

Гўдаклигида бегона юртларда ширин болалигини қолдириб келган Шомурод оға авлод-ажодлари касбини ташламади. Мана, ярим асрдирки, бахшилиқ қилиб, ўз кечинмаларини қадимий кўшиқ орқали ифода этади. Кичик бир лапарни мазмун-моҳияти билан бугун бир дostonга менгзгүлик.

Халқнинг чексиз иззат-ҳурматига сазовор бўлган кекса бахши юзлаб лапарлар, термалар ва тарихий дostonлар яратган. Юртимиз мустақилликка эришган дорилмон кунларда буюк истиқлол гоёларини жўшиб, ёниб куйлайди. Бахшиларнинг кенжа авлоди, бошланғич синф ўқувчиси Ҳусниддин Холиқовга «оқ фотиҳа» берган. Болақайнинг ширин навалари, бурро-бурро куйлаши ҳар бир кишини тўлқинлантириб юборади.

Ҳайитқул қирларида Қарши

шаҳрининг 2700 йиллиги олди-дан халқ бахшилари ва фольклор-этнографик жамоалар иштирокида ўтказилган «Бахшили эл — яхшили эл» кўриктанлови кекса авлод вақиллари истёждоди ва маҳоратини намойиш қилиш билан бирга, янги номларни кашф этди. Республикамиз вилоятларидан келган бахши шоирлар ва фольклор этнографик жамоалар ўзлари мансуб ҳудудга хос оғзаки ижод намуналарини куй, кўшиқ, рақс, лапар, ялла, терма, дostonлардан парчаларни куйга солиб, ижро қилдилар.

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Усмонжон Нусуровнинг таъкидлашича, табиатнинг мўъжи-



ДЎМБИРАНИНГ ЯНГРОҚ САДОСИ

закор кўли билан яратилган тоғ олди адирларидаги очик осмон остида бўлиб ўтган республика фестивали иштирокчилар ва меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Вазирлар Маҳкамасининг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида» ва Президентимизнинг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига асосан маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, республика халқ ижодиёти ва мада-

ний-маърифий ишлар илмий услубият маркази, вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Чироқчи туман ҳокимлиги бу ижтимоий-сиёсий, маърифий-маданий тадбирни юксак уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминладилар.

«Чироқчи чироқлари», «Мо-могул», «Қизғалдоқ» фольклор-этнографик ва «Бахтли болалиқ» мақомчилар гуруҳларининг чиқишлари айниқса қизиқарли бўлди. Маҳкамтош Қаюмова раҳбарлик қилаётган «Чироқчи чироқлари» дастаси кўҳна фольклор намуналари-

Бахшили эл — яхшили эл

кистон халқ бахшиси Зиёдулла Исломов голиблиқни қўлга киритдилар. Сурхондарёлик Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев «Мухлис олқиши», қашқадарёлик Абдуқоҳор Раҳимов «Устоз ва шогирд аънаналарини давом эттиргани учун», сурхондарёлик Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёнов «Ўзига хос бадихагўйлиги учун», Сурхон воҳасидан келган Ўзбекистон халқ бахшиси Боборайим Маматмуродов «Ўзбек халқ бахшичилиги аънаналарини ривожлантиргани учун», кекса оқин Раҳимбобо Хўжамқулов «Халқ чолғу асбоблари моҳир ижрочиси» йўналиши бўйича голиб бўлдилар ва қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирландилар.

Деҳқонобод туманининг тоғли Бойқўрғон қишлоғида 106 ёшли Ғойибназар бахши Нурматов яшайди. «Алпомиш» достони ва бошқа халқ оғзаки ижоди намуналарини куйлаб ўтган бу табаррук қариянинг шогирдлари кўп.

Қашқа воҳаси азалдан бахши-шоирлар маскани. Ғузорлик Очил бахши Чоршанбиев, чироқчилик Санжар бахши Чубаев, Ёдгор бахши Хўжаев, нишонлик Абдурашид бахши Боймуродов, деҳқонободлик Бойқул бахши Мирзаев каби оқинлар овозида, дўмбираси наваларида қадимий кадриятларимиз, озод ва обод Ватан мадҳияси баралла янграмоқда.

Халқимиз «Бахшили эл — яхшили эл» деб бежиз айтмаган. Гулларга бурканган оппоқ ўтовларда, кўзни қамаштирадиган гиламлар билан безатилган чўпон уйларида бахшиларнинг жўшқин овози баралла янграмоқда.

Иззат ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири

Биласизми?

«УТЮГ»

ДАЗМОЛ ДЕГАНИ

«Утюг» сўзи қадимги ўзбек тилида «ўтук» шаклида ҳозирги дазмол номини англаган. Чунончи, XI асрда ёзилган «Девону лугатит-турк» асарида «ўтук» сўзига шундай изоҳ берилган: андавага ўхшаш темир асбоб бўлиб, уни қиздирадидилар ва кийимнинг чок ҳамда баҳяларини, туқларини бостириб силлиқлайдилар.

Бундан «ўтук» сўзи - «ўт» (олов) ўзагига «ук» қўшимчаси қўшилишидан ҳосил бўлгани кўриниб турибди. Ҳақиқатан ҳам қосиблар дазмолнинг андавага ўхшаш хилини ишлатишарди. Утда қиздириладиган бундай дазмолни этик ва ковуш таг чармининг зиҳига босиб, уни силлиқлардилар.

Афтидан, дазмолнинг бу шакли «Девону лугатит-турк» асарида тасвирланганидек, ичига чўғ солиб қиздирадиган дазмол эса унинг кейинчалик такомиллаштирилган шакли экани англашди.

Бу сўз ҳозирги баъзи туркий халқлар тилида ҳам учрайди. Масалан, татар, қозоқ ва қирғиз тилларида «ўтук», «ўтик», «ўт» сўзлари бор. Бу сўз рус тилига ҳам ўтиб, «утюг» шаклини олган.

Ўзбек тилида эса, тожик тилидаги «дазмол» сўзи қабул қилинган. Бу ном «даз» ва «мол» қисмларидан таркиб толган: «даз» аслида «дарз» «ёриқ», «мол» - «молидан» (сувамоқ, суркамоқ феълнинг ўзаги), яъни нарсанинг юзидаги ёриқларни суваб, суркаб беркитмоқ дегани. Шундан кийим-кечакнинг гижимини силлиқлайдиган асбоб номи ҳосил бўлган. Шуниси қизиқки, «утюг» ни биз русча ҳисоблаб, «ўзбек тилига «дазмол» деб таржима қиламиз.

МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР ХОСИЯТИ

Микроэлементларнинг қишлоқ хўжалиги учун аҳамияти катта. Тайга ўрмон ҳудудлари тупроғида мис элементи етишмайди. Бундан, албатта, бошоқли ўсимликлар кўпроқ зарарланади.

Борди-ю, ҳар гектар ерга бир неча килограмм мис тузи солинса, арпа ва бугдой ҳосили беш-олти центнер ортади. Молибден элементидан - дуккакли ўсимликлар, руҳдан-маккажўхори, мевали цитрус ўсимликлар серҳосил бўлади.

Микроэлементлардан чорвачиликда ҳам фойдаланилмоқда. Озуқада етишмаётган микроэлементлардан керакли миқдорда аралаштириб берилса, ҳайвон вазни ошади.

Микроэлементларнинг киши саломатлигига таъсири ҳам татқиқ этилмоқда. Олимларнинг таъсири билан баъзи жойларда микроэлементлар етишмаса, ичиладиган сувга фтор қўшилади. Йод элементи камчил тоғли ҳудудлар йод қўшилган тузлар билан таъминлаб турилади.

А. АЛИЕВ тайёрлади

Шарафиддин Али Яздий асари									Масофа	Фуқаро	
Вилоят	Жангчи	Аёл исми	Шокоят	Муסיқа асбоби	Гурури						
				Зарбли чолғу асбоб							
	Кўхна қурол		Физик зарра	Таниқли инсон	Ҳийла						
					«Шоҳнома» қаҳрамони		...мос				
	Замин	Тўлов	Масофа	Қора (китобий)							
	Филми-нувчи				Кўрк				Ҳаёт ...		
Сурдарё ирмоғи		Ипак онаси	Пардоз		Ранг			Қитъа	Адабий соҳа		
			Аёл бахти	Саодатли							
	Қалб	<p>Сўзни билиб сўзлаганлар хўб билиб сўз қадрини, Фарқи йўқ кўп сўзлаганлар не билур ўз қадрини. Сайёдий</p>									
								Рос т			
...боб											
Эътироф	Давлат (Осиё)									Иш устаси	Шоҳлик рамзи
			Амир Темурининг отаси								
Эрон шаҳри	Асос	Қодирлик	Кучли	Лоийҳа				Кўрсатиш олмоши			
			Ёғин			...жом	Онанинг укаси	Мулкдор			
			Бир оз иссиқ			Бошлиқ				Завқ-шавқ	
	Шамол			Мебель							
			Сайқал	Ҳалқ	Душман		Нота			Мангу	
	Зар			Адолатли	Олов						
	Қаллиқ				Боксдаги ҳолат		Ботин			От зоти	
		Қадимий майдон	Санъат	Гиёҳ	Пардоз ашёси						

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"TULPOR" савдо уйи
масъулияти чекланган жамияти



- Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.
- Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
- Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
- Уларнинг сифати тўла кафолатланади.



Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 117-46-10; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20.

ДЕМОКРИТ ДЕЙДИКИ...

Бировга заррача бўлса ҳам яхшилик қилиш кўлинган келса, зинҳор уни кечиктирма. Катта ваъдалар бериб, бажармагандан кўра, оз нарса ваъда қилиб, уни ўринлатиш яхшироқдир.

Бошинга зўрроқ қайғу-ҳасрат тушса, уни яхши ўй-фикрлар, хайрли ишлар билан қувиб юбор.

Ёмон ишни чиройли сўзлар билан ёпиб бўлмаганидек, яхши ишни ёмонлаган билан барибир, бул-

гатиб бўлмайди.
Ярамас, бузуқ одамларга эргашиш, албатта ёмон. Аммо яхши одамларга тақлид қилишни истамаслик ундан ҳам ёмонроқдир.

Нукул бировлардан шикоят қилиб юрвчи одамдан дўст чикмайди.

Бошга бирор мусибат тушганда бурчга содиқ қолиш улуг иш.




ДАРАХТЛАРНИНГ ҲАМ ЖОНИ БОР

Дарахтларнинг ҳам жони бор, дейишади. Зеро, тана орқа мия, бутқлари - 72 минг асаб торлари, ранги-баданнинг асосий маркази, барглар ўпкасидир.

Инсонлар билан дарахтлар ўртасида алоқа бор. Агар алоқа бўлмаса, дарахтлар даволигини, инсонга яхшилик қилишини биз қаердан билардик! Баргларга капалак курти тушди, дейлик. Дарахтлар олдиндан хавфни сезгандек, бир-бирларига хабар юбориб, ўз ҳимоявий «заҳар»ларини ишлаб чиқишаркан. Тажрибаларча, тана ва бубарини юбобиомайдон Агар халқ эски лугатларсангиз ҳайраларга дуч кечун, Маркава терак дали ҳисобланбоболаримиз кўпроқ экишган. Очарчилик йилларида ҳам тутпишига етганлар тирик қолган. Тут дарахтини кесиш бахтсизлик саналган. Илгари оилада ўғил туғилса, яхши ният қилиб терак экишган. Қадимги Миср ва Яқин Шарқда эшиколди ва деразаларга алоэни осиб кўйиш одат бўлган. Бу ўша хонадон аҳлининг соғ-саломат юриши, узоқ яшаши белгисини билдирган.

Ёронгул қалбингизда муҳаббат уйғотади, ҳар хил сеҳр-жодулардан сақлайди, япроғидан эса фол очишда фойдаланилади.



17-23 апрелгача
МЧНАЖИМЛАР БАШОРАТИ

КҮЙ. Муаммоларингиз талайгина. Уларни бартараф қилиш учун сизда куч ва маблагингиз етарлича. Фақат ақл-идрокингизни ишга солинг.

БУЗОК. Ушбу ҳафта соғлигингизга эътибор беринг. Ишдаги муаммолардан асабингиз чарчаган. Дам олиш куни оилангиз билан маданий ҳордиқ чиқаринг.

ЭГИЗАКЛАР. Ҳафта бошида жиддий иш бошлаш учун қулай фурсат. Ҳеч иккиланмай сармоянгизни сарфлашингиз мумкин. Натижада фойда оласиз.

ҚИСҚИЧБАКА. Душанба куни сиз учун ташвишли келади. Моддий ва маънавий қийинчиликлар ҳам ўйлантириб қўяди. Яқинларингиз кўмагига таянинг. Ҳафтанинг охирида барча муаммолар ечими топилади.

АРСЛОН. Эринчоқлигингиз ва дангасалигингиз оқибатида сизни моддий зарар қутмоқда. Асаб ва соғлигингиз ҳақида қайғуринг. Дам олиш куни дўстлар даврасида бўлинг.

ПАРИЗОД. Қутилмаганда чиқим қиласиз. Ҳамёнингизи эҳтиёт қилинг. Ишдагилар билан муносабатингизни яхшиланг.

ТАРОЗИ. Ушбу ҳафтада шартнома ва учрашувларни режалаштиришингиз мумкин. Ишдаги ўсишни хоҳлагангиз ҳомийингизни кўпайтиринг.

ЧАЁН. Анчадан бери хавотирга солиб келаётган муаммолар ниҳоят ўз ечимини топади. Яқинларингиз ва катталар билан алоқангизни мустаҳкамланг. Шундай қилсангиз омад сизни тарк этмайди.

ЎКОТАР. Ишга бўлган ғайрат ва шижоатингиз ҳамма орзуларингизни рўёбга чиқариши мумкин. Шу кайфиятда давом этсангиз ҳеч қандай муаммолар сизга ғов бўла олмайди.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Душанбада фойдали шартнома ва сафарга чиқшни режалаштиришингиз мумкин. Ҳар эҳти молга қарши моддий қийинчиликни олдиндан ғамини енг.

ҚОВҒА. Ушбу ҳафта ташвишли келади. Ҳеч қандай ишга қўл урманг. Яқинларингиз маслаҳатига қулоқ солинг.

БАЛИК. Душанба куни янги режа билан иш таклиф қилишлари мумкин. Шошилманг. Тажрибангизга таяниб қабул қилинг. Бу сиз учун фойдали.

Қизиқчилар орасида шундай бир ибора юради: «Кулиш осон, кулдириш қийин!».

Чиндан ҳам шундай. Агар биз дунёга машҳур қизиқчиларнинг ҳаёти билан танишсак, улар доимо халқ орасида бўлиб, тинмай изланганлари ва одамларни кулдириш учун жуда кўп меҳнат қилганликларининг гувоҳи бўламиз. Қизиқчилик санъати шу тарика давом этиб келмоқда. Бугунги кунда ўз услубига эга бўлиб, ўз йўлидан бораётган қизиқчилик гуруҳлари жуда кўп. Улар орасида «Қаҳ-қаҳа» ҳам алоҳида ўринни эгаллайди. Бу гуруҳ сахнада кўриниши биланоқ томошабин чехрасига табассум юғуради. Ота (Теша) ва ўғил (Болта)нинг кийиниши, ўзини туттиши, юз ифодаси, гап-сўзларининг ўзиёқ намойиш этиладиган томоша мазмунини белгилаб беради. Мана, қаранг, «ота» содда, тажанг кўрингани билан ўзига пишиқ, ёнидагиларни гап билан узиб олади, кўпинча «қоса тагида нимқоса» қабилида сўзлашади. «Ўғил» ҳам бўш-баёвгина, бироқ сал муғомбир, кўпчиликни «чув» туширади! Назаримизда, шу кичик гуруҳнинг томошаларида халқимизнинг феъл-атвори, ёмонликни маҳв этиб, эзгуликка йўл очишдек фазилатлари акс этгандек туюлади.

Ҳангомалари тобора қизиқиб, ғалати саргузаштлари орқали томошабин олқишига сазовор бўлаётган «Қаҳ-қаҳа»чилар билан сўхбатимиз бошланиб кетади.

Сиз кутган учрашув



ни ҳамма бирдай тушунади. Кулдиришда ҳам шеванинг «хизмати» сезилади. Маънавий ва мил-

андиша сўзларни тилга олишдан ўзимизни эҳтиёт қиламиз, халқимизнинг гўзал фазилатларига алоҳида аҳамият берган ҳолда дастур тайёрлаймиз. Бизнингча, ҳаракатларимиз зое кетмаётганга ўхшайди, озми-кўпми эл назарига тушяпмиз. Қилич (Фарҳод Халилов), Мўмин (Фахриддин Давронов) ва Нафисахон ҳамма-мизнинг мақсадимиз ягона — у ҳам бўлса одамларга завқ-шавқ улашишдир! Бундан кейин ҳам мухлислар меҳрини қозониш йўлида астойдил меҳнат қилаверамиз.

Ҳа, «Қаҳ-қаҳа» гуруҳи эндиликда катта сахналарда ўз томошаларини намойиш этмоқда, у ўз йўлидан дадил борапти. Асосий ният эса — одамларни кулдириб, чарчоғини аритиш. Ахир, «бир марта яйраб қаҳ-қаҳа отсанг, ўнта тухум ютгандек бўласан», дейишади-ку. Ўнта тухум ютиш баданга куч-қувват беради, бадан кучга тўлса соғломлашади, соғломлик эса руҳий бардамлик ҳамдир. Демакки, кулгу инсон учун ҳаётий зарурият экан! «Қаҳ-қаҳа» гуруҳининг ҳар бир ҳаракатида, машаққатли меҳнатида ана шу зарурият бўй кўрсатиб турганига эса ўзимиз гувоҳимиз.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

— Бу гуруҳнинг ташкил топишига нима сабаб бўлди? Тохир РАҲИМОВ (ота) ва Соҳиб ҲАСАНОВ (ўғил)лар:

— Таниқли қизиқчи Юсуфжон Шакаржоновни яхши биласиз. Марғилон шаҳрида ана шу қизиқчи хотирасига бағишланиб 1-аскиячилар кўрик-танлови ўтказилди. Биз ҳам қатнашдик. «Ота-ўғил» сахнага чиқиб, кичик бир кўринишни намойиш этдик. Ишонасизми, бизга олий ўрин берилди. Очиғи, ўзимиз ҳам буни кутмагандик. Шу рағбатдан улкан куч-қувват олганмиз, десак муболага бўлмайди. Шундан сўнг Навоий вилоятдан Тошкентга қараб отландик. Режиссёримиз Алишер Абзалов алоҳида гуруҳ тузишимизни маслаҳат берди. Мана, бир неча йилдирки, одамлар орасида, сахнадамиз.

— Томошаларингизда «эна» деган сўзга кўп ургу берилди...

— Ҳа, шундай. Биласизми, қишлоқларда кўпинча оналарига «эна» деб мурожаат қилишади. Эркак киши ишдан келиши билан болаларидан «энанг қани?»

«ҚАҲ-ҚАҲА»НИНГ ЙЎРИҒИ БЎЛАК

деб сўрайди. Ошхонадами, тан-дирхонадами ё сигир-у, бузоқлар ёнидами, куймаланиб юрган аёлини кўргач кўнгли ёришади, хотиржам бўлади. Бу — аёлга хурмат, хонадонининг бекасига эҳтиром, уни асраб-авайлаш масъулиятини унутмасликдир. Кекса кишилар қиз набираларини «эна-жоним» дея сўядилар, ота ё ўғилнинг бирор жойи оғриб азоб берса «вах, энамей!» дея изтироб чекади. Демак, эналаримиз инсоннинг вужудига илоҳий нажот берувчи фариштадир. Улар омон бўлишсин, доимо кулиб юришсин.

— Маҳаллий халқ шеваларидан унумли фойдаланасизлар, бунга сабаб нима?

— Шевада қўлланилган сўз ва иборалар анча юракка яқин, улар-

лий кадрларимиз ҳар бир томошамизда яққол кўриниб турса деймиз. Шунинг учун ҳам сахна кўринишларида маҳаллий шева сўзлари ва ҳаракатлардан фойдаланамиз, китобий сўзларни деярли ишлатмаймиз. Бу усул ўзимизга ҳам, мухлисларимизга ҳам маъқул.

— Ҳамкорларингиз, иш жараёни хусусида сўз юритсангиз...

— Эл орасида «озгинаю созгина» деган ибора бор. Биз ҳам гарчи санокли бўлсак-да, аҳил-миз меҳнатдан қочмаймиз, зиммамиздаги масъулиятни бирор дақиқа ёддан чиқармаймиз. Сахна кўринишларини намойиш этишда катта қизиқчиларимиз меросига таянамиз, сахна этика-сига амал қиламиз, бепарда, бе-

ISHONCH

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА
ҲАММАНГАРЛАР ФЕДЕРАЦИЯСИ

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро»
кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп
этилди. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш
вақти - 21.00
Топширилди - 21.40

Тиражи: 15408

Буяртма Г— 614